

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ КАФЕДРАСИ

Магистрлик диссертация иши

**МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ МАТБУОТДА БҲСРНИНГ МАОРИФ
ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ ТАЛҚИНИ (1920-1924 ЙИЛЛАР)**

Тарих таълим йўналиши

битирувчиси:

Камолов Ихтиёр

Илмий раҳбар: тарих

фанлари номзоди

Рахмонов К.Ж.

Бухоро – 2014 йил

Тарих (мамлакатлар минтақалар бўйича) йўналиши битирувчиси

Камолов Ихтиёрнинг

“Маҳаллий ва хорижий матбуотда БХСРнинг маориф ва маданият
масалалари талқини (1920-1924 йиллар)”

мавзусида ёзган магистрлик диссертация ишига

ТАҚРИЗ

Бухоро Халқ Совет Республикаси даври миллий давлатчилигимиз тарихида алоҳида ўрин ва мавқега эга. Биргина совет даврида яратилган илмий адабиётларнинг ўзигина бу даврнинг қанчалик кенг тадқиқот объектга айланганидан гувоҳлик беради. Бунинг баробарида, архив ва давлат муассасаларида сақланаётган минглаб тарихий ҳужжатлар: ҳукумат қарорлари, резолюциялар, БХСР ташкилотлари материаллари ёш республика ижтимоий сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти тўғрисида бой маълумотлар беради.

Тилга олинган ушбу материалларга илова тариқасида яна бир муҳим манба матбуот маълумотларини эътироф этиш жоизки, архив материалларидан учрамайдиган зарурий, шу билан бирга қимматли маълумотларни улардан топиш мумкин. И. Камоловнинг магистрлик диссертацияси асосида Бухоро ва хорижий матбуотни тадқиқ қилиш орқали БХСРнинг маориф ва маданият масалаларини кенг ёритиб бериш ётади. Олдиндан айтиб қўйиш жоизки магистрлик диссертациясида қўйилган муаммо ўз ечимини топган. Ишнинг кириш қисмидаёқ кўп масалаларга жавоб топиш ва диссертациянинг умумий мазмуни тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Биринчи бобнинг катта ютуқларидан бири маҳаллий ва хорижий матбуотни вужудга келиш масаласини кенг очиб бериш ҳисобланади. 1920-1924 йилларда нашр қилинган “Бухоро ахбори”, “Озод Бухоро” газеталарининг ўтмишдошлари бўлмиш турли газеталарнинг Бухорога келиб қолиши, маҳаллий нашрлар, матбуот ишидаги ворисийлик муаммолари ишда дурустгина ифод этилган. Шу ўринда хориж матбуотининг маҳаллий матбуотга таъсири, Туркия, Эрон ва бошқа Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида чоп этилган газета ва журналларнинг Бухорога келиб қолиши, хориж матбуотининг мазмуни ва фоявий йўналиши, уларда Бухоро тўғрисидаги ёки маҳаллий матбуотда хориж

Магистрлик диссертациясида эътиборга олиш лозим бўлган қуйидаги олатлар мавжуд:

1. “Бухоро ахбори”, “Озод Бухоро” газеталарининг ўтмишдошлари тўғрисида маълумот берилганда “Бухорон шариф” ва унинг иловаси бўлган “Турон” ҳамда 1919-йилда нашр этилган “Қутулиш” газеталарига тўхталиб ўтиш зарур;

2. “Ёш бухороликлар” партияси органи бўлмиш “Учқун” газетасининг нашр этилиши санаси ишда 1920-йил июль ойи деб белгиланган. Аслида “Учқун” Тошкентда 1920-йил 15-апрелдан чиқа бошлаган ва бор йўғи 8 сони нашр этилган. Газетанинг бир сони Бухоро давлатмузейида сақланади;

3. БХСР ҳукумати ташаббуси билан 1924 йил апрель ойида Бухорода Ўрта Осиёда биринчи бўлиб “Бухкино” профессионал киностудияси ташкил топади. Бу ҳақда матбуот саҳифаларида чоп этилган маълумотлар ишда истифода этилса маъқул бўларди.

4. Ишни илова ва жадваллар билан бойитиш фойдадан холи бўлмасди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, И.Камоловнинг ҳимояга қўйилган магистрлик диссертацияси тугалланган, мустақил, оригинал маълумотларга бой ва талаб доирасида расмийлаштирилган илмий тадқиқот бўлиб, унинг муаллифи магистр илмий даражасини олишга муносиб.

Такризчи:



Тўраев Ҳ.Ҳ. - тарих фанлари доктори, профессор.

МУНДАРИЖА

КИРИШ-----

1-БОБ. XX аср биринчи чорагида Бухородаги сиёсий вазият маҳаллий ва хорижий матбуотнинг умумий тавсифи ва мазмуни

1.1. Бухоро амирлигининг тугатилиши ва БХСРнинг ташкил топиши----

1.2. Маҳаллий ва хорижий матбуотнинг вужудга келиши, манбавий аҳамияти ва улар ҳақида умумий маълумотлар -----

2-БОБ. Матбуот органларида БХСР маориф тизимининг йўлга қўйилиши, янгиликлар ва натижаларнинг баён этилиши

2.1. БХСР ҳукуматининг маориф соҳасидаги сиёсати: ютуқ ва муаммолар

2.2. Педагогик ходимлар тайёрлаш йўлидаги ислохотлар ва натижалар

3-боб. БХСР маданий муассасалари ва уларнинг фаолияти талқини

3.1. БХСРда миллий сахна санъати шаклланишининг матбуот органларида ёритилиши

3.2. БХСР йилларида фаолият юритган маданий-оқартув муассасалари: мақсад, вазифалари ва мафкуравий ташвиқотлар юритишдаги ўрни

ХУЛОСА-----

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ---

Кириш

Тадқиқот мавзуининг долзарблиги. Мустақиллик йилларида ўзбек миллий давлатчилиги тарихида юртимиздан чиққан буюк шахсларни, турли ижтимоий-сиёсий жараёнларни, маориф ва маданий тараққиётини объектив, ҳаққоний, тарихий далиллар асосида ўрганиш борасида мислсиз ютуқлар қўлга киртилди. Тарихни чуқур ва мукаммал ўрганиш орқали жамиятда юксак маънавиятли шахсларни тарбиялаш мумкинлиги исбот талаб қилмайди. Шунинг учун Президентимиз Ислоҳ Каримов: “Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас, тарихнинг сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди”¹-деб таъкидлаганлар.

Тарихий тадқиқотлар тизимида Бухоро тарихи ва Бухоро тарихшунослиги, манбашунослиги масалалари ҳам ўзига хос ўрин тутади. Бухоро тарихининг энг қадимги замонлардан то ҳозирги кунларга қадар бўлган саҳифалари ўзининг аҳамиятли жиҳатлари билан бирга долзарблиги ва даврталаблиги билан ажралиб туради. Шунингдек, Бухорода маданият ва маориф тизимини тадқиқ қилиш, ягона бир тизимга келтириб илмий иш даражасига чиқариб ўрганиш янги жараён ҳисобланади.

Президент И.А.Каримов Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилей тантаналарига бағишланган халқаро симпозиумдаги кириш нутқида: “Бухоро, Хива ва Самарқанднинг кўҳна маданияти, аجدодларимиз қолдирган улкан мерос тарихий хотирамизни уйғотмоқда, янгича фуқаролик онгини шакллантирмоқда, ахлоқий покланиш ва тарбия манбаига айланмоқда”², -деб ўтмишга дахлдор улуғ фикрларни билдирганди.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқи. –Т.: Шарқ, 1998.-Б.9.

² Инсониятнинг илмий ва маданий мероси-учинчи минг йилликда / Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.4.

Юқоридаги фикрлардан ва бир қатор қайд этилган омиллардан келиб чиқиб, ўзбек давлатчилиги тарихида муносиб ўрин эгаллаган, 1920-1924 йилларда мавжуд бўлган, ўзининг тўрт ярим йиллик шонли тарихига эга бўлган Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихига тарихчилар, манбашунос ва тарихшунослар, адиблар ва публицистлар қайта-қайта мурожаат қилмоқдалар. Бироқ Бухоро тарихининг XX аср дастлабки чораги ҳамон мунозарали бўлиб келмоқда. Айниқса, Бухоро амирлиги ағдарилганидан сўнг янгича замонавий маданият ва маориф тизимларни вужудга келтириш ҳаракатлари ўз даврида ҳам, кейинги совет тарихшунослигида ҳам турлича талқин этилган. Истиқлол муносабати билан ушбу масалаларни холисона тадқиқ этиш имконияти пайдо бўлди.

Шунинг учун мен томонимдан танланган ва ёзилаётган “Маҳаллий ва хорижий матбуотда БХСРнинг маориф ва маданият масалалари талқини” мавзусидаги магистрлик диссертацияси долзарб ҳамда ўрганилишга лойиқ тадқиқот иши ҳисобланади. Муаммонинг долзарблиги шундаки, тарихни ўрганиш, аввало, ўз юртимизни, ўлкамизни ўтмишини ўрганишдан бошланиши зарурлигидир. Тадқиқотим айнан муайян масалаларга бағишланган бўлиб, муаммо сифатида кўтарилган мавзуга миллий ватанпарварлик нуқтаи назар билан ёндашилади. Магистрлик диссертациясида БХСРнинг маориф ва маданият масалаларини таҳлил қилиш вазифаси қўйилган бўлиб, уни бажариш учун совет даврида ва мустақиллик йилларида ёзилган илмий китоблар, рисоалар, мақола ва тезислар қиёсий ўрганилади. Табиийки, бу биз танлаган мавзунинг долзарблигини оширади.

Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари. Мазкур магистрлик ишида мана шу мавзунини танлаб ёзишдан асосий мақсад маҳаллий ва хорижий матбуотда БХСРнинг маориф ва маданият масалалари қандай баён этилганлигини ёритиб беришдир.

Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- Маҳаллий ва хорижий матбуотнинг вужудга келиши, манбавий аҳамияти ва улар ҳақида умумий маълумотлар бериш;
- БХСР ҳукуматининг маориф соҳасидаги ютуқ ва муаммоларни матбуотда талқинини кўрсатиш;
- Педагогик ходимлар тайёрлаш йўлидаги ислохотлар ва натижаларни таҳлил этиш;
- БХСРда миллий саҳна (театр) санъати шаклланишининг матбуот органларида ёритилишини очиб бериш;
- БХСР йилларида фаолият юритган маданий-оқартув муассасаларининг мақсад, вазифалари ва мафкуравий ташвиқотлар юритишдаги ўрнини исботлаб бериш.

Диссертациянинг тарихий-хронологик чегараси. Мазкур магистрлик диссертациясида тарихий хронологик чегара сифатида 1920-1924 йиллар мавжуд бўлган БХСР даври маориф ва маданият масалалари таҳлили асос қилиб олинди.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. “Маҳаллий ва хорижий матбуотда БХСРнинг маориф ва маданият масалалари талқини” мавзусида айнан тадқиқот амалга оширилмаганлигини инобатга олиб, БХСРнинг турли тарихий жараёнларини таҳлили ва даврий матбуотнинг вужудга келиши, манбавий аҳамияти юзасидан ёзилган тадқиқотларни икки гуруҳга ажратиш ўринли бўлади:

1. Совет ҳокимияти йилларида яратилган асар ва мақолалар
2. Мустақиллик даврида яратилган тадқиқотлар

Бу ўринда БХСР давлат ва сиёсат арбоблари Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат³ асарларини алоҳида қайд қилиш лозим. Улар бирламчи манбалар асосида воқеалар тафсилотини ҳаққоний тасвирлашга эришган бўлсалар-да, совет тузуми ва коммунистик мафкура таъсирида ўз асарларини қайта ёзишга, айрим жойларини ўзгартиришга мажбур бўлганлар. XX аср 20-йилларида яратилган бу эсдаликларда ва тадқиқотларда Бухородаги тараққийпарварлар фаолияти, жаидчилик ҳаракати, амирлик тузумининг ағдарилиши, БХСРнинг ташкил топиши, янги ҳукуматнинг маориф ва маданий ўзгаришлар жараёнлари ёритилади.

БХСРдаги матбуот тарихини ўрганишда таниқли публицист Зиё Саид (Соли Қосимов) асари муайян аҳамиятга эга. Унинг “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар” номли китоби⁴ Туркистон минтақасида салкам 60 йил (1870-1927 йиллар) давомида нашр этилган даврий матбуотнинг ўзига хос библиографияси ҳисобланади. Унда, жумладан, БХСРнинг ўша йиллардаги матбуот органлари ҳисобланган “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари ҳақида илк бор маълумот келтирилганлиги муҳимдир. Бирок муаллифнинг ушбу газеталар нашри билан боғлиқ йил ва уларда муҳаррирлик қилган шахслар тўғрисидаги маълумотларида қатор ноаниқликлар учрайди.

XX асрнинг 50-70-йиллари тадқиқотларида ҳукмрон совет мафкурасининг кучли таъсири сезилса-да, уларда келтирилган фактлардан ҳозирги кун тадқиқотларида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу борада О.Эшонов, Л.Шек, А.Алиев, М.Иркаев, Ф.Қосимов, И.Алимов кабиларнинг асарлари ва

³ Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. - Ташкент: Узгиз, 1926; Ўша муаллиф. К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии. - Ташкент: Узгиз, 1932; Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. - М.: СССР халқлари нашриёти, 1926; Ўша муаллиф. Қисқача таржимаи ҳолим // Айний С. Асарлар. 8 томлик. -Тошкент: Ўздавнашр, 1963. Т.1. - Б.17-104; Абдурауф Фитрат. Бухорода инқилоб // Танланган асарлар. III жилд. - Тошкент: Маънавият, 2003. - Б.205-210.

⁴ Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870-1927). - Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1927 (Бу асар 1974 йил Тошкентда чоп этилган Зиё Саиднинг “Танланган асарлар” китобига ҳам киритилган).

илмий ишларини⁵ алоҳида қайд қилиш лозим. Ушбу муаллифлар БХСРнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий тараққиёти масалалари хусусида фикр ва мулоҳазалар билдирадилар.

Тоҳир Қахҳор⁶ Туркияда яшаган ўзбекларнинг матбуот органларини таҳлил қилади. Айниқса, унинг китобида 1975-1977 йилларда нашр қилинган «Хур Туркистон учун» (Истанбул) газетаси мақолалари асосида ёритилган.

Бевосита матбуот тарихига дахлдор бўлган тадқиқотлардан С. Иноятлов, Т.Эрназаров ва А.Акбаровларнинг ишларини кўрсатиш лозим⁷. С.Иноятловнинг номзодлик диссертацияси даврий матбуотда қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш масалаларининг ёритилиши муаммосига бағишланган. Мазкур муаллифнинг монографиясида эса матбуотнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли янада кенгроқ очиб берилган. Бу тадқиқотларда тарихчи олим ҳар қандай тарихий даврни атрофлича ўрганишда матбуот материаллари манба бўла олишини исботлаган. Т.Эрназаров ва А.Акбаровларнинг фикрича, Бухорода амирлик тузуми ағдарилган биринчи кунларданок (1920 йил сентябр) Бухоро коммунистик партияси марказий комитети органи “Бухоро ахбори” газетаси чиқа бошлаган, газета ўзбек тилида 2500 нусхада, 2 саҳифада, айрим ҳолларда 4

⁵ Ишанов А. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.). - Ташкент: Изд.АН УзССР, 1955; Ўша муаллиф. Победа Народной Советской революции в Бухаре. - Ташкент: Изд.АН УзССР, 1957; Ўша муаллиф. Бухарская Народная Советская Республика. - Ташкент: Узбекистан, 1969; Шек Л. Победа Народной Советской революции в Бухаре. - Ташкент: Госиздат, 1956; Алиев А. Великий октябрь и революционизирование народов Бухары. - Ташкент: Госиздат УзССР, 1958; Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане. - Душанбе, 1963; Касымов Ф. Историография БНСР: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1968; Алимов И. Аграрные преобразования в Народных Советских Республиках Хорезма и Бухары (1920-1924 гг.). - Ташкент: Узбекистан, 1970.

⁶ Тоҳир Қахҳор. Муҳожир туркистонликлар матбуоти //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 йил 10 январ; Шу муаллиф //Хур Туркистон учун. –Т.: Чўлпон, 1994.

⁷ Иноятлов С. Роль партийно-советской печати Узбекистана в осуществлении коллективизации сельского хозяйства (1929-1934 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1969; Ўша муаллиф. Роль печати в интернациональном воспитании трудящихся. - Ташкент: Фан, 1986; Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана. - Ташкент: Ўқитувчи, 1976.

саҳифада нашр қилинган⁸. Ушбу асар коммунистик мафкура таъсирида юзага келган бўлиб, унда XX аср бошларида чоп этилган миллий тилдаги матбуот органларига ҳолисона баҳо берилмаган, большевиклар матбуотининг роли эса орттириб кўрсатилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида XX асрнинг 20-30-йиллари даврий матбуоти ҳақида тадқиқотлар ёзиш анъанаси давом эттирилди. В.Мухаммаджонованинг номзодлик иши ушбу мавзуга бағишланган⁹.

БХСР маданияти ва маорифи масалаларига оид тарихига оид тадқиқотлар доираси, айниқса, мустақиллик йилларида кенгайиб, ушбу муаммони ёритишга имкон қадар ҳолисона ёндашилди. Тарихчи олимларнинг асл манбаларга таянган ҳолда яратган қатор тадқиқотлари вужудга келди. Бу борада Ф.Қосимов, Б.Эргашев, Қ.Ражабов, У.Рашидов, Л.Мухаммаджонова, Ш.Ҳайитов, С.Бадриддинов, С.Холбоев, Г.Остонова, К.Раҳмонов каби муаллифларнинг ишлари¹⁰ эътиборга лойиқдир.

⁸ Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана. - Ташкент: Ўқитувчи, 1976.

⁹ Мухаммеджанова В. Периодическая печать 20-30-х годов о раскрепощении женщины Узбекистана: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Самарканд, 1994.

¹⁰ Эргашев Б. Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма, идеология младобухарцев: Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. - Ташкент, 1993; Қосимов Ф. Драма революции и правда истории (формирование историографии советизации Бухары и Хорезма). - Бухара, 1996; Ўша муаллиф. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. - Бухоро, 1997; Рашидов У. Бухоро Республикасида қаршилиқ ҳаракатининг биринчи босқичи (1920-1922 й.) // Бухоро тарихи масалалари (мақолалар тўплами). - Бухоро: Бухоро, 1996; Ўша муаллиф. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924). - Бухоро: Бухоро, 2003; Ўша муаллиф. Бухоро босқини ва совет тузумига қарши кураш. - Бухоро, 2008; Мухаммеджанова Л. Общественно-политическая ситуация в Бухаре в начале XX века и развитие демократического движения (1908-1920гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1999. Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917-1935 йиллар). - Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Ўша муаллиф. Развертывание освободительного движения в Бухаре // Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. - Ташкент: Шарқ, 2000. - Б. 522-553; Ўша муаллиф. Бухоро ва Хоразм Республикаларидаги қуроли муҳолифат кураши (1920-1924) // Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. - Тошкент: Шарқ, 2000; Ўша муаллиф. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчилиқнинг демократик шакли // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. - Тошкент, 2001; Ўша муаллиф. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. - Тошкент: Маънавият, 2002; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). - Тошкент: Фан, 2004; Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К.

“Ўзбекистоннинг янги тарихи” асарининг биринчи ва иккинчи китобларида XX аср бошларида Бухородаги сиёсий ва ижтимоий жараёнлар ва ҳарбий ҳаракатлар тарихига алоҳида эътибор қаратилди¹¹. Таниқли тарихчи олима Р.Ражапова илмий муҳаррирлигида рус тилида тайёрланган коллектив монографияда Бухоронинг 1917-1924 йиллардаги тарихи бўйича энг янги фикрлар ва хулосалар ўз аксини топган¹².

Ф.Қосимовнинг мустақиллик йилларида яратилган бир қатор китоб ва мақолалари БХСР тарихшунослиги ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Олим тадқиқотларида совет даври ва мустақиллик йилларида БХСР тарихига оид яратилган асар ва мақолаларнинг таҳлилини беради.

Б.Эргашев ва Л.Муҳаммаджоновалар ўзларининг тадқиқотларида¹³ ўрганилаётган даврда Бухородаги ижтимоий-сиёсий фикр ривожига, демократик тамойиллар ва озодлик учун курашнинг мафкуравий негизлари ҳақида илмий мушоҳада юритадилар.

БХСРда совет тузумига қарши қуролли ҳаракат ва мафкуравий кураш муаммолари Қ.Ражабовнинг докторлик диссертацияси, махсус монографияси ва тадқиқотлари¹⁴ асосини ташкил қилади. Шунингдек, олимнинг бир қатор

Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. - Бухоро: Бухоро, 2005; Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси. - Тошкент: Фан, 2008; Астанова Г. Историография политических процессов в Бухаре в 1920-1924 гг.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 2008.

¹¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. - Тошкент: Шарқ, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Илмий муҳаррир Жўраев М. - Тошкент: Шарқ, 2000.

¹² Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости / Научный редактор Раджапова Р. - Ташкент: Шарқ, 2000.

¹³ Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. - Ташкент: Фан, 1990; Ўша муаллиф. Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма, идеология младобухарцев: Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. - Ташкент, 1993; Мухаммеджанова Л. Общественно-политическая ситуация в Бухаре в начале XX века и развитие демократического движения (1908-1920гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1999.

¹⁴ Раджабов К. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Ташкент, 2005 (ушбу муаллифнинг БХСР тарихи ва шу даврдаги давлат арбоблари ҳаётини ёритувчи ўнлаб мақолалари “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” турли жилдларига киритилган ва бошқа илмий тўпламларда нашр этилган).

рисолаларида БХСР даврида фаолият юритган маърифатпарварлар тўғрисида маълумотлар берилади.

У.Рашидовнинг китоб ва мақолаларида асосий эътибор БХСРда ватанварпар кучлар билан қизил армия қисмлари ўртасидаги курашлар масаласига қаратилган.

Ш.Ҳайитовнинг ҳамкорликда яратилган китоблари ва мақолаларида БХСРдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёт ҳамда муаммо ва қийинчиликлар, айрим ҳукумат раҳбарларининг фаолияти ва тақдири тарихий манбалар асосида очиб берилган. Муҳими шундаки, олим “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материалларидан муайян даражада фойдаланган. Шунингдек, узтозимизнинг тадқиқотлари айнан мавзумиз тарихшунослигида муҳим ўрин тутди. Чунки хорижда чоп этилган бир қатор журнал ва газеталар ўзбек муҳожирлари ташаббуслари билан нашр қилинган бўлиб, улар тўғрисида олим диссертацияларида тўлиқ маълумот берганлар.

С.Холбоевнинг юқорида қайд қилинган китобида ҳанузгача илмий муомалага киритилмаган архив манбалари асосида Бухоро амирлигининг олтин хазинаси, унинг тақдири ҳақида мулоҳазалар берилади. Шунингдек, муаллиф “Бухоро ахбори” газетасидаги айрим материаллар орқали БХСР ҳукуматининг молиявий сиёсатига оид маълумотларни келтиради.

Шунингдек, ёш тарихчи олимлардан К. Раҳмонов¹⁵нинг амалга оширган илмий ишларида амирликнинг ағдарилиши жараёнлари ва Бухоро Халқ Совет Республикасининг тузилиши, ҳукумат бошқаруви, қолаверса, қайд қилинаётган мавзуга оид БХСРнинг маорифи ва маданияти масалалари матбуот материаллари асосида кўриб ўтилган.

Магистрлик ишини ёзишда тарихий тадқиқотлар олиб боришнинг объективлик, тарихийлик ва холисоналик тамойилларидан келиб чиққан

¹⁵ Раҳмонов К. БХСР тарихи матбуот саҳифаларида. Т., 2012.

ҳолда иш кўрилди. Ишда муаммога истиқлол мафкураси талаблари асосида ёндашилди.

Тадқиқот ишининг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг тарихий тадқиқотлар олдига қўйган талаблари ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ташкил этди. Президент асарларида Ўзбекистондаги тарихий воқеалар жараёнини асл манбаларга таянган ҳолда ҳолисона ёзиш масаласи муҳим вазифа қилиб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг етакчи манбашунос, тарихшунос, тарихчи ва шарқшунос олимларининг тадқиқотларида илгари сурилган фикр, таклиф ҳамда тавсиялар ишнинг методологик асосини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Шунингдек, ўқув дастуримизга киритилган “Илмий тадқиқот методологияси” фанидан билиб олган фикр ва далиллардан ишини ёзиш жараёнида унумли фойдаландим.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тарих фанида маҳаллий ва хорижий матбуотда БХСРнинг маориф ва маданият масалалари талқини илк бора яхлит ҳолда ўрганилмоқда. Тарихий адабиётлардаги рақам ва далиллар билан матбуот материаллари биринчи марта қиёсий таҳлил қилинмоқда. Шунингдек, танланган муаммо юзасидан амалга оширилган тадқиқотлар гуруҳлаштирилди, айрим китоблардаги фикр-мулоҳазалар танқидий нуқтаи-назардан таҳлил қилинди. Масала моҳиятини ёритишда совет мафкураси устунлик қилган китоб ва мақолалардаги фикрларнинг моҳияти очиқ берилди. Диссертация сўнгида муаллиф томонидан чиқарилган хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва мулоҳазалар ҳам тадқиқот янгилиги бўла олади.

Тадқиқотнинг объекти БХСРнинг 1920-1924 йиллардаги маориф ва маданияти тарихи, **предмети** эса республика даврида асосий матбуот нашрлари ҳисобланган “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” ҳамда хорижда яшаётган ўзбек муҳожирлари томонидан чоп этилган журнал ва газеталардан иборат.

Амалий аҳамияти. Ушбу магистрлик диссертациясида ишлаб чиқилган ва олинган илмий натижалардан талаба ва ўқувчиларда ватанпарварлик ва маърифатпарварлик туйғуларини тарбиялашда фойдаланиш мумкин. Диссертацияда илгари сурилган ғоялар, унда келтирилган далил ва рақамлардан Ўзбекистон тарихининг XX аср 20 – йиллари маориф ва маданияти мавзуларини ўтишда ва қўшимча материаллар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Диссертация материаллари тарих йўналиши талабаларига “Бухоро тарихи”, “Туркистон ва Бухоро матбуоти тарихи” каби танлов фанларини ўтишда қўшимча манба ҳисобланади. Шунингдек, АК ва КХКларининг 1-босқич талабалари ўқув дастурида берилган “Ўзбекистон тарихи” фанидан “Ўзбекистонда совет ҳокимияти юритган маданий-маърифий сиёсат” мавзусини очиқ дарс тарзида ташкил қилишда ишимиздаги далил ва рақамлар аҳамиятлидир.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Магистрлик диссертациямни ёзишда фойдаланилган манбаларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида чоп этилган мақола, хабар, буйруқ, қарор, фармон, эълон, билдиришнома ва хитобномалар киради¹⁶. Тадқиқот жараёнида “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида чоп этилган юзлаб мақолаларни, хабар ва эълонларни таҳлил, тавсиф қилиш орқали матбуот материаллари БХСР тарихини ўрганиш учун муҳим манба бўлади.

Тадқиқотнинг манбавий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида нафақат БХСРнинг даврий матбуотига, балки XX аср дастлабки ўн йилликларида хорижда чоп этилган “Ёш Туркистон”, “Янги Туркистон” каби журналларнинг бир қатор сонларига ҳам мурожаат қилинди. Туркия Республикасига кўчиб ўтган Германия талабалари Мустафо Чўқайнинг 1929-1939 йилларда Париж(Франция), Берлин(Германия)да чоп этилиб турган “Ёш

¹⁶ . Мазкур матбуот органлари материалларининг жорий алифбога ўтирилган матнларини менга тақдим этган илмий раҳбарим т.ф.н.,доцент К.Раҳмоновга ўз миннатдорчилигимни билдираман

Туркистон” журналини ташкил этишда ва унга мақолалар билан иштирок қилиб туришда фаоллик кўрсатганлар. 1928 йилда Мустафо Чўқай (1890-1941 йй) Германия пойтахти Берлинга Туркистон Миллий Бирлиги (ТМБ) ташкилотининг раҳбари сифатида ташриф буюрган. У туркистонлик ёшларни тўплаб улар билан махсус йиғилиш ўтказганди ва “Ёш Туркистон” номи билан журнал чоп этиш мақсадини ошқор қилганди. М.Чўқай Германияда таҳсил олаётган ТМБ гуруҳида бўлган ёшларни журнал очиш ишида ташкилий гуруҳ сифатида қатнашишга даъват этганди. Улардаги XX аср бошларида Бухорода кечган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий воқеаларни ёритувчи мақола ва хабарлар тадқиқот мазмунини ёритишда хизмат қилди. Матбуот органларидаги айрим маълумотлар “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталаридаги хабар ва мақолалар билан қиёсий таҳлил қилинди. Диссертант томонидан юқорида номлари қайд қилинган газета ва журналлар ҳар доим ва мунтазам чоп этилиб турилмаганлиги, турли сабабларга кўра улардан айримларининг фаолияти тўхтаб қолганлиги аниқланди.

Манбаларнинг яна бир гуруҳини 1920-1924 йиллардаги воқеаларнинг жонли гувоҳлари бўлган ёки тарихий жараёнларда бевосита иштирок этган айрим шахслар томонидан ёзиб қолдирилган хотиралар ва эсдаликлар ташкил этади. Бу борада ўша даврдаги давлат ва сиёсат арбоблари: Амир Саййид Олимхон, Садриддин Айний, Аҳмад Закий Валидий Тўғон, Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Мунаввар Қори Абдурашидхонов каби муаллифларнинг турли йилларда чоп этилган хотиралари фойдали бўлди.

Ишнинг тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, 6 та параграф, шунингдек, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлардан иборат бўлиб, жами 87 саҳифани ташкил этади

1-БОБ. XX аср биринчи чорагида Бухородаги сиёсий вазият, маҳаллий ва хорижий матбуотнинг умумий тавсифи ва мазмуни

1.1. Бухоро амирлигининг тугатилиши ва БХСРнинг ташкил топиши

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ҳудудидаги энг йирик давлатлардан бири - Бухоро амирлиги Россия империясининг ярим мустамлакаси бўлиб, ташқи алоқаларда қарам, ички масалаларда эса бир қадар мустақил эди. Бироқ амирликдаги бошқарув 1885 йилдан Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги томонидан қатъий назорат қилинган. Мамлакат иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлиб, аҳолининг асосий машғулоти сунъий суғориш билан узвий боғланган деҳқончиликдан иборат эди. 1920 йил арафасида амирликда экин экиладиган ерлар майдони 2 млн. 250 минг десятина бўлиб, 2,5 миллионли аҳолининг 90 фоизи деҳқонлардан иборат бўлган¹⁷. Узоқ асрлардан буён амирликда ерга эгалик қилишнинг “амлок” (давлат ерлари), “мулки хос” ёки “мулки холис” (хусусий ерлар) ҳамда “мулки вақф” (масчит, мадраса, хонақоларга тегишли ерлар) каби шакллари мавжуд бўлиб келаётган эди. Гарчи мулклар давлат, хусусий ва вақфларга ажратилган бўлсада, бироқ солиқ тизими бўйича хирожий (33%), ушрий (10%) ҳамда хирожий вақф ва ушрий вақф ерларига бўлинган. Давлат ерларида ижарачи деҳқонлар меҳнат қилиб, улар етиштирган маҳсулотлари юзасидан натура, қисман пул кўринишида солиқлар тўлар эдилар. Вақф ерларидан келган даромад маориф тизимини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланарди. Шунингдек, ҳамма солиқ, тўлов ва жамоат ишларидан озод этилган ерлар - “мулки хурри холис” ёки “дару баст” (яъни, солиқчилар учун бундай ерларнинг эшиклари ёпик) деб юритилган.

Мамлакатда табақачилик тартиби амал қилиб, амир, унинг амалдор ва аъёнлари юқори табақа вакиллари ҳисобланиб кенг имтиёзга эга эдилар. Давлатни бошқариш ишида руҳонийларнинг таъсири кучли бўлиб, ҳуқуқ-

¹⁷ Алимов И. Аграрные преобразования в Народных Советских Республиках Хорезма и Бухары (1920-1924гг).- Т.: Узбекистан, 1970. -С. 7-8.

тартибот ишлари ислом ҳуқуқи асосида амалга ошириларди. Рухонийлардан сўнг бой савдогарларнинг мавқеи жамиятда таъсирчан кучга эга бўлиб, иқтисодий жиҳатдан қудратли тижоратчилар салмоғи анчагина эди. Шаҳар аҳолисининг асосий машғулоти савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликдан иборат бўлган. Кўп сонли қишлоқ аҳолисининг асосий тирикчилик манбаи деҳқончилик хўжалиги билан боғлиқ бўлган. Деҳқончиликнинг сунъий суғоришга асосланган тармоғи билан бирга тоғ ва тоғолди ҳудудларида лалмикор деҳқончилик билан ҳам шуғулланилган. Боғдорчилик, узумчилик, сабзавот етиштириш ярим мустамлака йилларида сезиларли даражада қисқарган. Бунинг сабаби деҳқончиликнинг пахтачилик тармоғига Россия империясининг мустамлакаси йилларида алоҳида эътибор қаратилиб, ғўза экишга ерларнинг катта қисми ажратилди. Пахтадан олинadиган фойда барча маҳсулотлар даромадидан устун бўлиб, амирлик тобора Россиянинг хом ашё базасига айланиб бораётган эди. 1893 йилдан 1917 йилга қадар Бухорода пахта экиладиган ерлар миқдори 300 000 танобгача бўлиб, ундан олинadиган даромад 25 млн. олтин сўмни ташкил этган¹⁸. Пахтачилик билан бирга чорвачилик, айниқса, қорақўлчилик, ипак ва жун маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳалари йилдан-йилга нисбатан ўсиб борган. Бухоро амирлигидан Россияга мустамлака даврининг дастлабки йилларида 30 000-40 000 дон қорақўл тери чиқарилган бўлса, 1914 йилга келиб бу нисбат 1.800 000 донани ташкил қилди. Пахта ва қорақўл терининг 80 фоизи Россияга экспорт қилинар эди¹⁹.

Россияда 1917 йилдаги феврал инқилоби ва Октябр тўнтаришидан сўнг гарчанд Бухоро амирлигининг мустақиллиги Муваққат ҳукумат ва совет ҳокимияти томонидан тан олинган бўлса-да, лекин унинг ҳудуди, чегаралари совет Россияси ихтиёрида бўлиб, Бухоро ташқи дунёдан ажралиб қолган эди.

¹⁸ Бухоро ахбори. 108-сон. 1922 йил 5 ноябр. (мазкур матбуот органлари материалларининг жорий алифбога ўтирилган матнларини менга тақдим этган илмий раҳбарим т.ф.н., доцент К.Раҳмоновга ўз миннатдорчилигимни билдираман)

¹⁹ Алимов И. Аграрные преобразования в Народных Советских Республиках Хорезма и Бухары (1920-1924гг). -Т.: Узбекистан, 1970. -С. 9.

Амирликдаги 26 та пахта тозалаш, 4 та ёғ, 10 та совун заводлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар, қорақўл тери ва бошқа маҳаллий аҳамиятга эга бўлган товарлар четга чиқарилмай омборларда тўпланиб қолаверди. Оқибатда 1919 йилга келиб четга пахта чиқариш 20 марта, қорақўл тери сотиш 10 марта қисқарди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи пасайиб кетди. 1917 йил 1 пуд пахта 11 сўм баҳоланган бўлса, 1919 йилга келиб 2 сўму 80 тийинга тушди. 1 пуд жун 6 сўмдан 2 сўмга, 1 дона қорақўл тери 7 сўмдан 1 сўм 20 тийинга тушиб кетди²⁰.

Мамлакатдаги иқтисодий танглик сиёсий инқирозни ҳам чуқурлаштирди. Россиянинг марказий районларида рўй берган кескин сиёсий ўзгаришлар, демократия ва эркинлик учун кураш ўрта аср анъаналари асосидаги бошқарувни сақлаб келаётган Бухоро амирлигига ўз таъсирини ўтказди. Амирликдаги тараққийпарвар кучлар мавжуд тартибларни ислоҳ қилиш, мамлакатда конституцион монархия тузумини жорий қилиш талаби билан чиқа бошладилар. Бухородаги жаидчилик ҳаракати етакчи вакиллари Амир Саййид Олимхондан ислоҳот ўтказишни қатъий талаб қилишди. 1917 йил 7 апрелда Бухоро амирининг ислоҳотлар жорий этиш бўйича манифести (фармони) эълон қилинди²¹. Манифестда пойтахт Бухорода обрўли арбоблардан иборат маҳкамани тузиш, амалдорлар, уларнинг даромадлари устидан назорат ўрнатиш, солиқ тизимини тартибга солиш, давлат бюджетини жорий қилиш, саноат, тижорат, маърифатни ривожлантириш учун чора-тадбирлар кўрилиши ваъда қилинди²². Бухоро жаидларининг сўл қаноти аъзолари амир манифестини қўллаб-қувватлашга қаратилган намоёиш ташкил қилдилар. 1917 йил 8 апрелда жаидларнинг “Яшасин ислоҳот!”, “Яшасин амир!” шиорлари остида Бухоро ва Каркида ўтказган

²⁰ Қосимов Ф., Рашидов У. Бухоро амирлигининг тугатилиши /Бухоро тарихи масалалари. -Бухоро. 1996. -Б. 69-70.

²¹ Ўзбекистон тарихи солномаси /Тузувчи муаллифлар: Ражабов Қ, Ҳасанов Ф. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. -Б. 91.

²² Алимова Д. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Т.: Шарқ, 2000. -Б. 44-45; Нуруллин Р. Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг қизил армия томонидан тугатилиши. ХХСР ва БХСРнинг ташкил топиши //Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000. -Б. 114.

намойишлари ўққа тутилди. Бухородаги намойишда қонли тўқнашувлар туфайли 30 нафар Ёш бухороликлар ташкилоти аъзолари қамоққа олиниб, кўпларнинг ҳаёти ҳавф остида қолди²³. Амирликда мутаассиблик авжига чиқди, жазоланишдан сақланиш учун омон қолган Ёш бухороликлар Тошкент, Самарқанд ва Янги Бухоро (Когон)га оммавий равишда муҳожир бўлиб кета бошладилар.

Бухоро амирлигидаги сиёсий жараёнларнинг кескинлашуви 1918 йилнинг март ойида “Колесов воқеаси” номи билан тарихга кирган воқеаларда яққол кўзга ташланади. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилишдан 3-4 ой ўтмасданок Туркистон ХКС раиси Ф.Колесов (1891-1940) 1918 йил март ойида Янги Бухоро (Когон)га келиб, Эски Бухоро (ҳозирги Бухоро шаҳри)га ҳужумга ўтди. Бироқ унинг амирлик тартибларини ағдариш билан боғлиқ мақсади ва ҳарбий ҳаракати муваффақиятсизлик билан якунланди. Ф.Колесовнинг амирликка қарши ҳарбий юришида 10 000 киши ҳалок бўлди.²⁴ Когонни Термиз, Китоб билан боғлаб турувчи темир йўллар бузиб ташланди. 1918 йил 25 мартда имзоланган Қизилтепа битимига кўра, Ф.Колесовнинг тажовузорлиги шармандаларча барбод бўлди.

“Колесов воқеаси”дан сўнг Бухоро амирлигида тараққийпарвар кучларга нисбатан сиёсий реакция янгидан авж олдирилди. Муҳожирликда яшашга мажбур бўлган жаидлар Самарқанд, Тошкент, Москва ва бошқа шаҳарларда туриб ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб боришга мажбур бўлдилар. Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев ва бошқалар бу ҳаракатда фаол қатнашдилар. “Колесов воқеаси”дан кейин Тошкентда яшаган Фитрат “Чиғатой гурунги” адабий-маърифий ташкилотига асос солди. Ф.Хўжаев эса Ёш бухороликлар ғоялари руҳидаги дастурий ҳужжат-маромномани тузди ва нашр этди, “Учкун” газетасининг чиқишини ташкил қилди.

²³ Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев - миллий истиқлол курашчиси. -Бухоро, 2007. -Б. 22.

²⁴ Генис И. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году //Вопросы истории. 1993. № 7.- С. 41; Ражабов Қ. Колесовнинг Бухорога босқини ва Қизилтепа битими //Қизилтепа тонги, № 47-53. 2004 йил 12 ноябр-24 декабр.

1918-1920 йиллардаги Бухоро амирлигида ва унинг атрофида кескин кечган сиёсий воқеалар ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг мўътадил тизимини ўзгартириб юборди. Бухоро амирлиги билан Туркистон АССР ўртасидаги савдо алоқалари деярли тўхтаб қолди. Россия ярмаркаларида Бухоро моллари сотилмай қолиб кетди. Таъкидланган даврда Бухоро амирлиги билан Англия ўртасидаги ўзаро савдо-сотиқ алоқалари бир қадар жонланганлигини ҳисобга олмаса, амирликнинг ташқи савдоси тўхтаб қолган эди. Бухоро амирининг совет Россияси билан музокаралари боши берк кўчага кириб қолди. Амир ва совет ҳукумати ўртасидаги ўзаро элчилик алмашувлари, совет ҳокимиятининг амирликка ҳарбий ёрдам бериш билан боғлиқ иккиёқлама музокаралари амалий натижа бермади. Совет ҳокимияти томонидан Бухоро амирлигига қарши сиёсий тазйиқ ва ҳарбий ҳавф кучайиб борди. Бу ҳақда Амир Саййид Олимхон ўз эсдаликларида ёзган эди: “Улар (большевиклар) Бухоро давлатига ғайриқонуний талаблар қўйиб, уларнинг ижро этилишини талаб қиладиган бўлишди, улар қандай бўлмасин, бир амаллаб уруш бошлашни ўзларига ҳунар қилиб олишди... Ислон давлатининг бу душманлари анчагина аскар ва қурол-яроғлар тўплаб, Бухоройи шарифга ҳужум қилишни истайдилар”²⁵.

Бухоро амирлигини тугатиш масаласида совет ҳукумати раҳбари Ленин томонидан Туркистон минтақасига юборилган Туркбюро вакиллари ҳамда большевик раҳбарлар “Марказ” билан ягона фикрга келдилар. Амирликка қарши ҳарбий ҳаракатларни бошқариш вазифаси Туркистон fronti кўмондони Михаил Васильевич Фрунзенинг шахсан зиммасига юклатилди. Фрунзе 1920 йил 12 августда амирликни тугатиш мақсадида Чоржўй, Когон, Каттакўрғон ва Самарқанд гуруҳларидан иборат 4 гуруҳли ҳарбий қисмларни тузди. Қизил қўшин ягона Самарқанд-Бухоро группасига бўйсиндирилиб, улар таркиби 7000 пиёда, 2,5 минг отлиқ, 5та оғир артиллерия, 25 та енгил тўп, 5 та бронеавтомобил, 220 та замбарак, 5 та бронепоезд ва 11 та

²⁵ Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. -Т.: Фан, 1991. -Б. 13-14.

аэропландан иборат эди. Бу даврда амир армиясида 16 000 сарбоз, 55 та эскирган тўп ва 12 та пулемёт бўлган, холос. Бухоро сарбозлари сони кўпчиликини ташкил этса-да, лекин замонавий қурулганиш жиҳатидан большевиклар устунлик қиларди²⁶.

Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатлар 1920 йил 23 августда Чоржўйда Бешим Сардор бошчилигидаги туркман ёлланган отликларининг “янги кўзғолон”идан бошланди. Ўша куни Чоржўй ревкоми тузилиб, беклик хазинаси қўлга киритилди, бек ва унинг амалдорлари асир олинди. Ҳокимият инқилобий кўмита (ревком) қўлига ўтди²⁷. 1920 йил 25 августда Чоржўй ревкомининг мурожаатини олган кўмондон Фрунзе ўзининг 36-67 рақамли махфий буйруғини эълон қилди. Унда Самарқанд - Бухоро гуруҳи 1920 йил 28 августда ҳарбий тайёргарликни тугатиши, Эски Бухорони эгаллаши қайд қилинган эди²⁸. 1920 йил 29 август Самарқанд гуруҳи 3-Туркистон ўқчи полки, 1-Туркистон отлик дивизия, алоҳида Туркистон отлик бригадаси, инженерлар ротаси ёрдамида Бухоро шаҳрига ҳужум қилди. 1920 йилнинг 29 августидан 2 сентябрга қадар ҳаводан ва пиёда кўшинларининг ҳужумлари оқибатида Бухорода монархияга қарши “халқ инқилоби” амалга оширилади. Шаҳарни 3 кун давомида 11 та аэроплан бомбардимон қилди. Бухоро шаҳри катта моддий зарар кўрди, бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилди. Амир қароргоҳи-Арқ, Бухоро атрофидаги қишлоқлар, амирнинг ёзги саройи - Ситораи Моҳи Хоса ҳам ярим вайрона ҳолатига келтирилди.²⁹

Бухоро амирлиги хазинаси, кўпгина хонадонларнинг буюм ва маблағлари, озиқ-овқат захиралари аёвсиз таланди ва Туркистон fronti кўмондонлиги ҳисобига ўтказилди. Булардан ташқари пахта захиралари, жун,

²⁶ Қосимов Ф., Рашидов У. Бухоро амирлигининг тугатилиши /Бухоро тарихи масалалари. -Бухоро, 1996. - Б.77.

²⁷ Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. -Т., 1969. -С. 187.

²⁸ Генис В. “С Бухарой надо кончать...” К истории бутафорских революций /Документальная хроника. -М., 2001. -С. 35-36.

²⁹ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. -Т.: Маънавият, 2002. -Б. 12; Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси. -Бухоро: Бухоро, 2003. -Б. 33.

ипак, қоракўл тери, қуритилган мевалар ҳам мусодара қилинди³⁰. 1920 йил сентябрда амир Бухоро шахрини тарк этаётганда пойтахтда ўз ҳарамини қолдириб кетишга мажбур бўлган эди. Унинг бутун оила аъзолари ва қариндош-уруғларидан иборат ҳарам (архив ҳужжатларида уларнинг умумий миқдори 118 киши деб номма-ном кўрсатилган) қўлга олиниб, Бухорода уй қамоғида сақланади³¹.

Бухоро амири Саййид Олимхон кучлар тенг бўлмаган жанглarda енгилиб, шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Ўз жонини зўрға сақлаб қолган амир оз сонли амалдор ва аъёнлари билан Шарқий Бухорога (ҳозирги Тожикистон ва Жанубий Ўзбекистон) чекинди. Унинг Шарқий Бухоро ҳудудида большевикларга қаршилик кўрсатиш ҳаракати 1921 йилнинг баҳорига қадар давом этиб, шу йилнинг март ойида Афғонистонга ўтиб кетди.

1920 йил 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси, ревком ва БКП МКнинг умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро инқилобий қўмитаси (раиси Абдулқодир Муҳиддинов) ва республика ҳукумати - 11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (раиси Файзулла Хўжаев) тузилди. Бухоро инқилобий қўмитасининг аъзолари қилиб Муинжон Аминов, Олимжон Акчурин, Абдулҳамид Орипов, Собир Юсупов, Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Файзулла Хўжаев, Қулмуҳамедов тайинланди. Мамлакатни бошқариш мақсадида тузилган Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси таркиби қуйидагича эди: раис ва хорижий-ташқи ишлар (нозир-Ф.Хўжаев), маориф (Қори Йўлдош Пўлатов), ички (доҳилия) ишлар (М.Саиджонов), молия (У.Пўлатхўжаев), давлат назорати (Н.Ҳусаинов), фавқулодда комиссия

³⁰ Холбоев С. Бухоро амиригининг олтин хазинаси. -Т.: Фан, 2008. - Б. 31.

³¹ Ўша манба.

(раиси-Иброҳимов), адлия (М.Бурҳонов), ҳарбий (Шихобуддинов), савдо-саноат (М.Мансуров) нозирликлари³².

1920 йил 6-8 октябрда чақирилган Бутун Бухоро халқ вакилларининг 1-курултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси - БХСР тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Мазкур тадбир амирнинг ёзги саройи - Ситораи Моҳи Хосада бўлиб ўтди. БХСР ҳукумати зиммасига қисқа муддат ичида ўрта асрчилик анъаналари мерос қолган амир Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди. Қурултой қонун чиқарувчи олий орган - Бухоро инқилобий қўмитаси (марказий ревком) ва Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси (ХНШ) - дастлабки ҳукумат таркибини узил-кесил тасдиқлади. Уларнинг ваколат муддати 2-курултойгача узайтирилди. Ёш ҳукумат етакчиси Ф.Хўжаев мураккаб ва оғир шароитда ишлашга мажбур бўлди. Бухоро ҳукумати ичида сиёсий бўлиниш кучайди. Бир тарафдан Бухоро Коммунистик партияси ичидаги “сўл” ва “ўнг” коммунистларга қарши ғоявий жиҳатдан кураш олиб боришга тўғри келса, иккинчи тарафдан, РСФСР ва унинг фавқулодда органлари бўлган Турккомиссия, Туркбюро ёш “мустақил давлат”нинг босган ҳар бир қадамини сергаклик билан назорат қилиб турар эди. Шундай бўлишига қарамадан Ф.Хўжаев, У.Пўлатхўжаев, О.Хўжаев, А.Фитрат, М.Аминов, М.Саиджонов, С.Хўжаев, М.Мансуров, А.Муҳиддинов ва бошқалар ҳукуматда демократик йўл тутиб, мўътадил мавқеда турдилар. Улар БХСРнинг амалда мустақил бўлиши, эътиқод эркинлиги, ислохотлар ўтказиш зарурлигини ёқлаб чиқдилар.

1921 йил 18-23 сентябрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг 2-курултойида демократик руҳдаги БХСР Конституцияси қабул қилинди. Бухоро тарихидаги дастлабки Конституция фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Конституцияда

³² Ражабов Қ. Бухоро Халқ Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924 йиллар) /Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. № 2. -Т.: Шарқ, 1999. -Б. 151; Шу муаллиф. Бухоро Халқ Совет Республикаси /ЎЗМЭ. Ж.2. -Т., 2001. -Б. 300.

давлатни идора этиш учун халқнинг барча табақа вакилларининг иштироки таъминланди. Хусусий мулк ва савдо-сотиқ эркинликлари Конституцияда ўз ифодасини топди. Бухорода ўрнатилган тузум халқ демократик республикаси эди. БХСРнинг Конституцияси барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқ берди, миллий тенгсизликни йўқотди. Халқ вакилларининг 2-қурултойида ҳокимиятнинг олий органи – Бухоро Марказий Ижроия комитети (МИК) тузилди. Унинг биринчи раиси қилиб Усмонхўжа Пўлатхўжаев (Усмон Хўжа, 1878-1968) сайланди. Кейинчалик Муинжон Аминов, Порсо Хўжаев МИК раиси бўлдилар³³.

БХСР йилларида амирлик даврида мавжуд бўлган мамлакат маъмурий бўлинишидаги 27 та бекликлар тартиби ўрнига вилоятлар, туманлар, кентлар, қишлоқлар сингари маъмурий бошқарув тартиби жорий қилинди. “Озод Бухоро” газетасининг 1923 йил ноябр ойида нашр этилган сонларидан бирида қайд этилишича, БХСР 10 та вилоят, 41 туман, 132 кентга бўлиниб, вилоятлардаги аҳоли сони қуйидагича эди:

Бухоро вилояти - 420 000 киши;

Кармана вилояти - 180 000 киши;

Бехбудий (аввалги Қарши) вилояти - 220 000 киши;

Карки вилояти - 160 000 киши;

Чоржўй вилояти - 250 000 киши;

Шаҳрисабз вилояти - 250 000 киши;

Шеробод вилояти - 220 000 киши;

Ҳисор вилояти - 140 000 киши;

Кўлоб вилояти - 140 000 киши;

³³ Alimova D. va boshq. O'zbekiston tarixi (1917-1991 yillar): 10-sinf o'quvchilari uchun darslik. –T.: Sharq, 2004. -B. 97.

Ғарм вилояти - 80 000 киши³⁴.

Бухоро ҳудудидаги қизил армия ҳарбий қисмлари ва совет тартибларига нисбатан 1920 йил кузидан бошлаб БХСРда қуроли қаршилик кўрсатиш ҳаракати бошланиб кетди. Бу ҳаракат ҳукумат мавжуд бўлган 4 йилдан ортиқ даврда гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб давом этиб турди. Совет режимига қарши қуроли курашларда Иброҳимбек Лақай (1889-1932), Давлатмандбек, Фузайл Махдум, Мулла Абдулқаҳҳор(1884-1924) каби йирик кўрбошилар ва туркиялик ҳарбий саркарда Анвар пошшо (1881-1922) муҳим рол ўйнайдилар³⁵.

БХСР раҳбарияти дастлабки йилларда (1920-1922 й) мустақил ички ва ташқи сиёсат юритишга ҳаракат қилди. Бир қатор хорижий мамлакатларда БХСРнинг ваколатхоналари бу даврда мустақил фаолият юритди.³⁶ Мамлакат иқтисодий, ижтимоий ҳаётини ўнглашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди. Бироқ БХСР ҳукумати манфаатлари Марказга бўйсундирилиши ва тазйиқ ўтказилиши оқибатида хориждаги ваколатхоналар РСФСР элчихоналари таркибига киритиб юборилди ва республика мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб борди.

Ўрта Осиёда ўтказилган миллий - ҳудудий чегараланиш тадбирларининг амалга оширилиши туфайли Туркистон АССР ва ХХСР сингари БХСР ҳам 1924 йил охирларига келиб тугатилди.

1.2. Маҳаллий ва хорижий матбуотнинг вужудга келиши, манбавий аҳамияти ва улар ҳақида умумий маълумотлар

³⁴ Бухоро Жумҳуриятида қанча халқ бор? //Озод Бухоро. 14-сон. 1923 йил 21 ноябр; Қаранг. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). -Т.: Фан, 2004. -Б. 7.

³⁵ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: Маънавият, 2002. -Б. 35-37.

³⁶ Ҳайитов Ш. ва б. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. -Бухоро: Бухоро, 2005. -Б. 60.

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон минтақасида миллий истиқлол учун кураш, демократик тартибларни ўрнатиш, халқни жаҳолат, илмсизлик ва хурофотдан қутқариш мақсадида жадиждлар кенг фаолият олиб бордилар. Бундай хайрли мақсадга эришиш йўлида матбуот қудратли куч эканлигини тўғри англаганлар. Бу йўналишда Туркистон минтақасидаги жадиждчилик ҳаракатининг таниқли намояндалари Махмудхўжа Бехбудий, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Хўжаев кабилар маҳаллий матбуотни шакллантиришда муҳим рол ўйнадилар. Минтақадаги миллий даврий нашрлар ташкил қилинишига қрим-татар миллати вакили Исмоилбей Гаспирали (Гаспиринский)нинг (1851-1914) 1883-1914 йилларда чоп этган “Таржумон” газетаси, Туркияда чоп этилиб яширин равишда юртимизда тарқатилган “Сиротул мустақим” (“Тўғри йўл”), Афғонистонда 1900-1919 йилларда чиқиб турган “Сирожул ахбор афғония” (“Афғон хабарлари ёритгичи”) каби газеталарнинг таъсири катта бўлди. Бундан ташқари Ҳиндистон ва Мисрда чоп этилган матбуот органлари ҳам XX аср бошларида Бухорога кириб келди. Жумладан, Ҳиндистондан форс тилида нашр этиладиган “Ҳабл-ул-матн”, Мисрдан “Чеҳранома” каби журналлар келиб турарди³⁷. Тадқиқот ва изланишлар шуни кўрсатдики, Эрондан “Ал-жадид” газетаси ҳам Бухорога келиб турган³⁸. Юқоридаги қайд этилган газета ва журналлар орқали Бухоро зиёлилари дунё воқеалари, Биринчи жаҳон уруши майдонларидаги ҳарбий ҳаракатлар, дунё иқтисодиёти, фани, техникаси соҳаларида бўй берган янгиликлар ҳақида хабардор бўлиб, ўзлари яшаб турган ўлканинг тараққиётдан ортда қолганлигига ишонч ҳосил қилдилар. Бухорода монархия тузумига қарши муҳолифатда турган жадиждларнинг

³⁷ Рашидов У. ва б. Бухоро амирлигида жадиждчилик ҳаракати ва унинг шаклланиш омиллари /Из истории культурного наследия Бухары. (10 выпуск). -Бухара: Бухара, 2006. -С. 81.

³⁸ Мазкур газетанинг 9-10 та нусхаси ҳозирда Бухоро давлат меъморий-бадвий музей-қўриқхонасининг Камолиддин Беҳзод номидаги санъат музейи кутубхонасида сақланмоқда.

вакилларида бири Садриддин Айний (1878-1954) “Таржумон” газетасини ўқиб, “парламент” сўзининг моҳиятини англаганлигини қайд этади³⁹.

1920 йил 2 сентябрь Бухоро амирлиги тугатилиб, унинг ҳудуди ўрнида Бухоро Республикаси ташкил топди. Ҳукумат бошлиғи Ф.Хўжаев (1896-1938) ёш республиканинг матбуот органига асос солиш, бўлажак газетани Ҳақиқий халқ минбарига айлантириш учун тегишли чора-тадбирларни кўрди. Маълумки, Ф.Хўжаев жади́дчилик ҳаракати намоёндаларидан бири сифатида 1920 йил сентябрга қадар ҳам Бухорода ноширчилик ва матбаачилик фаолиятида анча тажриба ортирган эди. У 1920 йил июль ойида Тошкентда «Учқун» газетаси нашр қилиб, муҳаррирлик вазифасини бевосита бажарганди. Янги Республиканинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги фаолиятини оммага етказувчи нашр органи «Бухоро ахбори» газетаси бўлди.

Мазкур мақолада ҳанузгача махсус тадқиқот объекти бўлмаган «Бухоро ахбори» газетаси фаолияти билан боғлиқ масалада бир қадар фикр билдирилади.

«Бухоро ахбори»⁴⁰ газетасининг 1-сони 1920 йил 9 сентябрда Саид Аҳрорий муҳаррирлигида чоп этилган. Газетага материаллар танлаш, уни маблағ билан таъминлаш масалалари ўша даврдаги ҳукумат аъзолари Ф.Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Қ.Й.Пўлатов кабилар томонидан амалга оширилган. Газета эски ўзбек адабий тилида, араб имлосида 1500-2000 нусхада 4 саҳифа ҳолатида чоп этилган. Шу ўринда «газетанинг биринчи муҳаррири» масаласига аниқлик киритишни лозим топдик. Айрим муаллифлар «Бухоро ахбори»ни илк муҳаррири Абдурауф Фитрат бўлган деб маълумот берадилар. Аксинча, биз учратган манбаларда Абдурауф

³⁹ Эргашев Б.Х. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. -Т.: Фан, 1990. - С.22.

⁴⁰ «Бухоро ахбори» газетасининг ягона нусхаси Бухоро вилоят Ибн Сино номидаги марказий кутубхона архивида сақланади. (1-жилд жамланмаси)

Фитратнинг газета ишида мақолалар билан иштирок қилмаганлиги танқид остига олинган⁴¹.

«Бухоро ахбори»нинг биринчи муҳаррири С.Аҳрорий (1895-1931) Арабистонда таваллуд топган, Тошкентда Ф.Хўжаевга «Учкун» газетасини чоп қилиш ишида ёрдам берган, дунёқараши кенг, матбаачилик тажрибасига эга, қалами ўткир ноширлардан бири бўлган. Шунинг учун Ф.Хўжаев уни газета ишини йўлга қўйиш учун Бухорога таклиф қилган. С.Аҳрорий газета учун мақолалар танлаш, уни ўқимишли, халқ руҳига яқин бўлишини таъминлашда ўз қобилият ва иқтидорини аямади. Газета Бухоро Республикаси ҳаётининг барча жабҳаларини ёритишга қаратилган мунозара ва мушоҳадага чорловчи, танқидий тавсифдаги мақолалар эълон қилган. Биргина Саид Аҳрорийнинг ўзи 1920 йил 9 сентябрдан 1921 йил 30 июнга қадар⁴² «Бухоро ахбори» турли сонларида ўнлаб мақолалар эълон қилган. Унинг «Ёшларимизга», «Турмуш йўлинда», «Харбий ишларимиз ҳам алмашсун», «Инқилобимиз», «Дўстлик муносабати», «Дўстлик тийрасида», «Вазифа бошинда», «Идораларнинг тузатилиши», «Ханнотларга (олиб сотарларга) мол берилмасун!», «Мустақил Бухоро», «Сўнгсиз қиш», «Луғат ва имло устуни», «Дорилфунунимиз қалдирғочлари», «Қиш келди, товушсизлар қотмасун», «Давлат ишларида ерлиларга ёрдам этилсун!», «Тўртинчи инқилобий йилимиздан нималар кутамиз», «Томошахоналаримизнинг аҳволи», «Хотун», «Қайтиш», «Қонга қон»⁴³ каби турли жанрлардаги мақолалари босилган. Юқоридаги мақолаларда Бухоро Республикаси кундалик турмушининг долзарб муаммолари муаллиф томонидан қаламга олинади. Таъкидлаш жоизки, С.Аҳрорийнинг номлари зикр қилинган «Бухоро ахбори» турли

⁴¹ «Бухоро ахбори» 1922 йил. 9 май. 83–сон. (Зиё Усманий. «Матбуотимиз нима учун юксалмайдур?»).

⁴² С.Аҳрорий 1920-1921 йил июнь ойининг охирига қадар «Бухоро ахбори»га мушаррирлик қилиб, сўнгра Озарбайжон Республикасига Бухоро ҳукумати номидан элчи қилиб юборилган.

⁴³ Ш.А.Ҳайитов. «Биринчи муҳаррир». «Бухоронома». 2003 йил. 10 сентябрь.

сонларидан ўрин олган кўпгина мақолалари унинг «Танланган асарлар» сирасига киритилмаган⁴⁴. Уларни ўрганиб таҳлил қилиш Бухоро Республикаси тарихининг ханузгача қоронғу бўлган жиҳатларини тўлдиришда ёрдам бериши табиий.

Газетада янги ҳукуматнинг маориф ва маданият, санъат ва адабиёт, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ фармон, буйруқ ва лойиҳалари, мунозарали мақолалар (мубоҳаса рукнида) босилган. Айниқса, илм ва маориф республиканинг ҳаёт-мамоти эканлигига қайта-қайта мурожаат қилинади⁴⁵.

Газетада 1921 йил июлидан 1922 йилнинг январигача (салкам олти ой) машҳур адиб, истиқлол фидойиси Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон муҳаррирлик қилади. Адабиётшунос олим С.Алиевнинг маълумотича, Чўлпон шахсан Фитратнинг илтимосига кўра «Бухоро ахбори» газетасининг муҳаррирлигига таклиф қилинади. Иккинчидан эса, Бухородаги юз бераётган ўзгаришлар ёзувчи ва публицист Чўлпонни жуда қизиқтирар эди⁴⁶. Чўлпон Президентимиз юқори минбарлардан туриб, ўз нутқларида тилга олган «Халқ денгиздур, халқ тўлқиндур, халқ кучдур, Халқ исёндур, халқ оловдур, халқ ўчдур», деб бошланадиган машҳур шеърини ҳам илк бор «Бухоро ахбори» саҳифаларида эълон қилган. Умуман Чўлпоннинг саъй-ҳаракати билан газетада адабий-публицистик жанрларга эътибор кучаяди. Шахсан муҳаррирнинг ўзи 1921 йил июндан 1922 йилнинг 15 январига қадар газетада 15 та шеър билан чиққанлигини аниқладик. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, Чўлпон ўзининг сиёсий-

⁴⁴ .Қаранг. С. Аҳрорий. «Танланган асарлар». Тошкент. «Маънавият»-2001 йил. (Истиқлол қаҳрамонлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи Холида Аҳророва.)

6 «Бухоро ахбори». 1920 й. 29 ноябрь. 10 сон.(«Мактаблар ҳақида умумий қоидалар»); 1921 й. 10 май. 35-сон. (А.Мухиддинов. «Тилимиз ва маориф назорати»); 1921 й. 26 ноябрь.56-сон (Қори Йўлдош. «Маориф ишлари тўғрисида»); 1922 й. 11 январь 64 - сон.(Остонқул. «Яна мактаб масаласи»); 1922 й. 5 ноябрь. 108-сон. (М. Субҳи. «Мактабларимизда рус тили»); 1923 й.3 март. 138-сон. (Бекбой. «Маориф қурултойи муносабати билан»).

⁴⁶ Алиев С. «Чўлпон наздида Бухоро». | «Бухоро ҳақиқати». 1997 й. 20 декабрь.

публицистик тавсифдаги мақолалари остига «Абдулҳамид Сулаймон» тарзида исми-шарифини ёзиб, таҳаллусини атайин тушириб қолдиради.

«Бухоро ахбори»да 1922 йил давомида қисқа муддатда Зиё Усманий ва Остонқул Абдулқийём ўғли қабилар муҳаррирлик қилишади⁴⁷.

«Бухоро ахбори» Қори Йўлдош Пўлатов (1890-1965 йиллар) муҳаррирлиги даврида юқори савияда ҳамда кўпроқ тиражда чоп этилади. Қори Йўлдош Пўлатов Бухоро жадидлари орасида ўз ажали билан вафот этган бирдан-бир шахсдир. У Бухоро ҳукуматининг масъул вазифалари: маориф нозир, муҳофаа нозир, доҳилия (ички ишлар) нозир, Ўзбекистон ССР ҳукуматида эса молия нозир вазифаларида ишлаган⁴⁸. У «Бухоро ахбори»да муҳаррирлик қилган даврда газета фотосуратлар билан чиқа бошлаган. Чунки бевосита Қ.Пўлатовнинг ташаббуси туфайли Москвадан цинтография (аксилхона), Германиядан эса, мусулмонча ҳарф териш машинаси олиб келиниб, замонавий типографияга асос солинган. Қ.Й.Пўлатов «Бухоро ахбори»да бошқа муҳаррирларга қараганда узоқроқ фаолият кўрсатиб, ўзи ҳам газетанинг бир қатор сонларида салмоқли мақолалар билан чиққан. Айниқса, унинг Петербург ва Москва (Россия) саёҳати таасуротлари асосида ёзилган «Йўл хотиралари» туркум мақолалари газетанинг бешта сонидан тўлиқ бир саҳифада эълон қилинган. «Йўл хотиралари» совет даври тарихининг XX аср 20-йиллари ҳақида реал ҳулосалар чиқаришда муҳим манбалардан бири бўла олади⁴⁹.

Афсуски, Пўлатовнинг тарихий-маданий мероси ҳанузгача тадқиқ қилинмаган. Шунинг учун турли нашрларда, жумладан «Бухоро ахборида» давлат бошқаруви, солиқ сиёсати билан боғлиқ унинг ўнлаб мақолалари

⁴⁷ З. Усманий 1922 й. 25 январдан 17 июнгача (67-87-сонлари); О. Абдулқийём 1922 й. 17 июндан 21 сентябргача (88-100-сонлари) муҳаррирлик қилишган.

⁴⁸ М.Маҳмудов. «Барҳаёт сиймолар». Т. «Ўзбекистон»-1991 й. 174-185 –бетлар; Н.Наимов. «Бухоро жадидлари». Т. «Фан», 2000 й. 28-29-бетлар; Ш.Ҳайитов, К.Раҳмонов. «Истиқлолнинг икки буюк фарзанди». Бухоро. -2003 й. 15-17-бетлар.

⁴⁹ Қ.Й.Пўлатов. «Йўл хотиралари». «Бухоро ахбори» 1923 й. 11 феврал. 133-сон; 15 феврал 134-сон; 1 март. 137-сон; 15 март. 143-сон; 22 март. 146-сон.

газета қатламларида қолиб кетмоқда. Агар улар амалдаги имлога ўгирилиб ўқувчиларга ҳавола қилинса бугунги кунимиз учун ҳам аҳамиятли бўларди. Инсон сифатида ҳам Қ.Й.Пўлатов ҳақиқатгўй ва миллатпарвар бўлиб, Ўзбекистон республикаси молия вазири лавозимида ишлаган даврида (1924-1929 йиллар) ўзи учун ажратилган енгил машинани миллий кадрлар тайёрлаш харажатларига сарфлаган⁵⁰. Унинг миллатимиз маданияти ва маорифи учун жонкуяр инсонлигини айнан «Бухоро ахбори»нинг 1922-1923 йиллардаги сонларида республика ёшларини хорижга (Германия, Туркия, Озарбайжон, Россия) ўқиш учун юбориш билан боғлиқ хабарлар ва мақолаларни муттасил босилиб турилганидан ҳам билса бўлади. Бухоро Республикасининг хорижга ўқитиш учун талабалар юбориш билан боғлиқ маълумотлари газетанинг кўпгина сонларидан ўрин олган.⁵¹ Бу мақолалардан Германия ва Туркияга юборилган талабалар сони, исми-шарифи, улар бориб жойлашган ўқув юртлари ҳақида бой маълумотлар оламиз. Бу мавзу ҳам тадқиқотталабдир.

Қори Йўлдош Пўлатов газетанинг 1922 йил 21 сентябрь 100-сонидан 1923 йил 21 сентябрь 204-сонигача муҳаррирлик қилган даврида унинг ҳафталик сони ва тиражи кўпайиб, сифати ҳам ошади. Аввал ойида газетхонлар 4-5 марта «Бухоро ахбори»ни ўқисалар, 1922-1923 йилларда эса ойида 8-10 марта ўқиш имкониятига эга бўладилар. «Бухоро ахбори»да Бухоро Республикасининг ҳарбий ислоҳот билан боғлиқ тадбирлари, «вақф масаласи» ва у билан боғлиқ мунозаралар, ташқи алоқалар, миллий ҳаво флотини вужудга келтириш муаммолари каби йўналишларда ўнлаб мақолалар босилади.

“Бухоро ахбори” газетаси ўрнига 1923 йил октябр ойи ўрталаридан бошлаб “Озод Бухоро” газетаси чоп этилди. Янги газета ҳақидаги расмий

⁵⁰ Н. Каримов. «Тақдир ўйини». «Хўррият». 2001 й. 29 август

⁵¹ «Бухоро ахбори». 1922 й. 27 март. 76-сон: 4 май.. 82-сон: 27 июль. 93-сон: 12 август. 95-сон: 2 сентябрь. 98-сон: 19 октябрь. 103-сон.

хабар “Бухоро ахбори”нинг 211-сони (1923 йил 7 октябр)даёқ “Ўқувчилар диққатига!” номли эълон остида маълум қилинди⁵².

“Озод Бухоро” газетасида ҳам юқорида қайд қилинганидек, Қосим Сорокин бош муҳаррирлик фаолиятини давом эттириб, газетанинг полиаграфия базасини кенгайтириш, иқтисод шўросининг ёрдамида матбуот ишларига маблағ ажратиб, мусулмон шрифти, нашр ишлари учун асбоб-ускуна ва турли ашёлар олишга эришган. Газета бироз ўзининг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида хўжалик ҳисобига ўтиб, масъул идора ва корхоналар маълумотлари (эълонлар, билдиришлар, буйруқлар, фармонлар ва ҳоказо) кабиларни газета саҳифаларида тўлов эвазига чоп этиб борган. Бу ҳақда қуйидаги билдиришнома газетанинг бир неча сонларида ҳам қайта-қайта бериб борилган: “Озод Бухоро газетаси қисман бўлса ҳам хўжалик асосига кўчди. Бундан кейин ҳеч бир эълон ва буйруқлар газетага бепул босилмас”⁵³.

Бироқ “Озод Бухоро”газетаси ролини ошириш, уни мунтазам чиқиб туриши учун мухбирлар ва ходимлар етишмаслигини бартараф этиш муаммоси ҳал қилинмаган. “Озод Бухоро”да чоп этилган маълумотлар билан танишиш шуни кўрсатадики, газета чиқариш учун 3-4 мухбир ва муҳаррир озлик қилиши, мухбирлар қишлоқ ва шаҳар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни тўла ёрита олмаётганлиги, даврий матбуот “Бухоронинг ойнаси” бўлолмаётганлиги бир қатор мақола ва хабарларда ёзилган. “Озод Бухоро” газетасини малакали мутахассис мухбирлар билан таъминлаш, унинг вилоят, туман ва кентлардаги доимий мухбир ва жамоатчи мухбирлари таркибини кенгайтириш борасида айрим чора-тадбирлар кўрилган. Тадқиқот натижасида “Озод Бухоро”нинг бир қатор сонлари орқали ушбу матбуот нашрининг вилоятлардаги мухбирлари таркибини аниқлашга эришилди. Жумладан, Хабибуллаев, Нуриддинов (Кармана вилояти мухбирлари), Ислон

⁵² Бухоро ахбори. 211-сон. 1923 йил 7 октябр.

⁵³ Озод Бухоро. 6-сон. 1923 йил 31 октябр.

Шариф (Шарқий Бухоро худудлари бўйича мухбир), “Қўй боқар”, Ғани (Карки вилояти мухбирлари), Шероз (Ленин-туркман (Чоржўй) вилояти мухбири), “Ажнабий” (Шахрисабз вилояти мухбири), Исмати (Ғузор вилояти мухбири), А.Сафаров (Бойсун вилояти мухбири), Эргаш (Бехбудий (Қарши) вилояти мухбири) кабиларни қайд қилиш мумкин⁵⁴. Мухбирлар таркиби билан танишиш шуни кўрсатдики, айрим газета ходимларининг тахаллуслари берилиб, асл исм-шарифларини аниқлаш имкони бўлмади. Чунки “Озод Бухоро”да эълон қилинган турли вилоятлардан юборилган мақола ва хабарлар остида ушбу тахаллуслар қайта-қайта берилади.

1924 йилнинг бошларидан “Озод Бухоро” газетасида коммунистик мафкура таъсири кучайганлиги кўринади. Газетадаги хабар ва мақолалар кўпроқ “Қизил чойхона”, “Қизил бурчак”, “Фирқа турмушиндан”, “Фирқага аъзолик шартлари”, “Қора тахтага” (БКП сафидан чиқарилганлар ҳақида - К.Р.) каби рухналар остида эълон қилинган.

“Озод Бухоро” газетаси мафкуралашиб бораётган ҳамда советча тартиблар ва қоидаларни тарғиб қилиш минбарига айланган бир даврда большевик тарғиботчиларни унинг ишига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бухоро Коммунистик партияси (БКП)нинг ташвиқот ва тарғибот ишларидаги илғор кадрларидан бири Аббос Алиев 1924 йил апрел ойидан бошлаб бу масъул вазифага лойиқ деб топилган. Бу ҳақда “Озод Бухоро”нинг “Бухоро хабарлари” рухнида: “Марказий фирқам тарафидан газетамизга Аббос Алиев, Аҳмад Аҳмадов ва Абу Зариф ўртоқлардан иборат 3 кишилик ҳайъат таҳририя тайин этилди. Булардан Алиев - сиёсий масъул йўлбошчи (бош муҳаррир), Аҳмадов - аъзо, Абу Зариф - техник муҳаррир вазифасини ўтажаклар”⁵⁵, - деб ёзилганди.

⁵⁴ Ушбу маълумотлар 1924 йил давомида “Озод Бухоро” газетасининг 3-4-саҳифаларида бериб борилган “Бухоро хабарлари” рухни остидаги материаллардан олинди.

⁵⁵ Озод Бухоро. 155-сон. 1924 йил 12 апрел.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари номи билан чоп этилган ушбу алоҳида нашрларнинг биргаликдаги 300 - махсус сони (1924 йил май)да 1920-1924 йиллардаги маҳаллий матбуот ходимлари, уларнинг фотосуратлари ва таржимаи ҳолларининг берилиши Ўзбекистон матбуоти тарихи солномасини яратиш учун бой манбалардан бири бўла олади.

Аббос Алиевнинг газетадаги фаолияти даври таҳлил қилинар экан, Бухоро ва бутун Туркистон минтақасидаги совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат коммунистик мафкура нуқтаи назаридан баҳоланиб, барча маданий-маърифий муассасаларнинг советлаштирилиши тарғиб қилинганлиги, БХСР (кейинчалик БССР) иқтисодий манфаатларини Марказ ихтиёрига бўйсундириш манфаатига уринилганлиги гувоҳи бўлинади. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО)⁵⁶ фаолиятининг ижобий баҳоланганлиги, БКПнинг ҳар бир тадбирини тўғри ва адолатли деб ҳисобланганлиги ҳақидаги мақолалар учун газета очик мафкура минбари ва майдонига айланди. Газетанинг бир қатор сонларида “Сиёсий ҳангома” рукни остида ҳукуматнинг маҳаллий халқ орасидан чиққан ҳалол ва миллатпарвар айрим раҳбарлари ва миллий зиёлиларнинг вакиллари ҳажвий танқид остига олинди⁵⁷.

“Озод Бухоро” газетаси БХСРда кечаётган йирик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида мақола ва хабарлар босиш ўрнига майда ижтимоий муаммолар: кичик ўғрилиқ, ичкиликбозликка берилган одамлар, майда талафотлар, гиёҳванд айрим кимсалар ҳақидаги маълумотларни берган⁵⁸.

⁵⁶Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО) - 1923 йилда ташкил топган бўлиб, унинг биринчи таъсис қурултойи 1923 йилнинг 5 март куни ўтказилган. 1926 йилда у қайта тузилган.

⁵⁷ “Абу Ваража”. Смета сметаси //Озод Бухоро. 96-сон. 1924 йил 29 май; “Гаранг махсум”. Гап топсам ёзарман //Озод Бухоро. 109-сон. 1924 йил 3 июл; Ўша муаллиф. Жаннат дарвоза бинолари //Озод Бухоро. 111-сон. 1924 йил 6 июл; шу муаллиф. Қандингни е, амир! //Озод Бухоро. 113-сон. 1924 йил 10 июл; Ўша муаллиф. Раззоқ поччам мўъжизаларидан //Озод Бухоро. 119-сон. 1924 йил 27 июл; “Искаб топар”. Гаранг махсумдан сўранглар //Озод Бухоро. 151-сон. 1924 йил 14 октябр ва ҳоказо.

⁵⁸ Ўғри болаларга қарши курашмак керак //Озод Бухоро. 75-сон. 1924 йил 12 апрел; Оғуларлар қўлга тушди //Озод Бухоро. 79-сон. 1924 йил 19 апрел; Майда жиноятчилик билан кураш //Озод Бухоро. 83-сон. 1924

Мафкуравий чекланиш, саёз ва бўш мазмун касб этувчи мақолаларнинг кўпайиши “Озод Бухоро” ўқувчиларининг газетага қизиқишини бир оз сусайтиргани табиий ҳол. Газета саҳифалари кўпроқ молиявий ҳолатни яхшилаш учун пул топиш эвазига катта-ю кичик эълон, билдириш, реклама тарзидаги хабарлар билан тўлдириб ташланган. Бу салбий жиҳат билан бирга кичик хабар, эълонларнинг остидаги исм-шарифлар орқали БХСР ҳукумати аъзолари, вилоят ва туманлардаги раҳбар ходимлар, давлат муассасаларининг турли лавозимларида ишлаган кишилар ҳақида ҳамда совет режимига қарши қуролли ҳаракатларда иштирок қилган шахслар билан боғлиқ кенг маълумот олиш мумкин. Бу эса ўз даври тарихий жараёнларини атрофлича таҳлил қилиб ўрганишга ёрдам беради.

“Озод Бухоро” газетасида БХСРдаги матбуотнинг аҳволи, матбаачилик иши, газета ва журналлар чоп этириш, матбуот билан боғлиқ муаммо ва вазифалар ҳақида ҳам мақолалар чоп этиб борилган. Газеталардаги матбуот ҳақида ёзилган хабар ва мақолалардан матбуотнинг ўша даврдаги умумий аҳволи, газетхонларнинг матбуотга муносабати, газеталарнинг моддий-техникавий базасини яратиш йўлидаги ишлар, газеталарни унинг ўқувчилари орасида тарқатиш кабилардан воқиф бўлинади. “Озод Бухоро”нинг кўплаб сонларида ва ундан олдин чоп этилган “Бухоро ахбори” газетасида “Матбуотимиз нима учун юксалмайдур”, “Матбуот ҳақида яна бир-икки сўз” (Зиё Усманий), “Туркистонда матбуот” (мухбир), “Матбуот нимадур?” (Бекбой), “Газетага кўмак беринг!” (тахририят), “Бухорода матбуот”, “Учқун” журнали” (Бухоро хабарлари), “Чоржўйда тил газетаси” (мухбир), “Матбуот ва адабиёт” (мухбир), “Газетага ёрдам беринглар” (тахририят), “Қўрқма, газета гуноҳсизларни тишламайдур!” (“Муфаттиш”), “Газета юборишга диққат қилинсун!” (Бехбудийлик-Қарши шахридан), “Газетанинг биринчи даври”, “Газетани тузатиш масаласи”, “Матбуот байрамига тайёрланмак керак” (Саид Ахрорий), “Газетанинг қишлоқда тарқалиши”

(мухбир) каби мақола ва хабарлар⁵⁹ ўрин олган. Ушбу мавзудаги мақола ва хабарларнинг мазмуни асосан қуйидаги масалаларга қаратилган. Аввало, БХСРда туб жой аҳоли тилида (ўзбек тилида) газета ва журналлар чиқариш ва тарқатиш бошланганлиги, газетанинг тарғиботчилик фаолиятидаги ўрни, матбуот уни ўқувчилар учун зарурий маънавий озуқа эканлиги, бу ишда барча зиёлилар иштирок қилиши кераклиги баён қилинади. Айрим мақолаларнинг асосий мавзуси эса 3-3,5 млн. аҳолига эга бўлган БХСР учун 2000-2500 нусхада чоп этиладиган “Озод Бухоро” газетаси етарли эмаслиги, муҳаррир ва мухбирларнинг етишмаслиги ва мавжудларининг ҳам малакавий тажрибасизлиги, нашриёт (полиаграфия) ишидаги сон-саноксиз камчиликлар ва етишмовчиликлар⁶⁰, қоғоз ва бошқа ашёвий буюмлар, мусулмон шрифтининг четдан келтирилиши муаммоларига йўналтирилган.

Кўпгина мақолаларда фикрлар қайтарилиб, вилоят мухбирлари етарли даражада фаолият олиб бормаётганлиги, шунинг учун республика миқёсида атрофлича маълумот олиш имкони йўқлиги, ҳукумат раҳбарларидан Файзулла Хўжаев ва Қори Йўлдош Пўлатов сингарилардан бошқалар мақолалар билан унинг ишида жиддий иштирок қилмаётганлиги қайта-қайта таъкидланади.

“Озод Бухоро” саҳифалари орқали 1923-1924 йилларда ушбу газетадан ташқари бошқа матбуот органларига асос солиниши йўлида хайрли ҳаракатлар, уринишлар бўлганлигидан воқиф бўлиш мумкин. Жумладан, Бухоро маориф нозирлиги томонидан ойда бир марта сиёсий, иқтисодий, адабий нашр “Учкун” журналининг 1-сони (1923 йил, март) нашрдан чиққанлиги, журнал 36 саҳифа ҳажмида бўлиб, унда Абдурауф Фитрат ва

⁵⁹ Бухоро ахбори. 83-сон. 1922 йил 9 май; 107-сон. 1922 йил 2 ноябр; 111-сон. 1922 йил 19 ноябр; 136-сон. 1923 йил 23 феврал; 139-сон. 1923 йил 6 март; 146-сон. 1923 йил 22 март; 159-сон. 1923 йил 19 апрел; 166-сон. 1923 йил 5 май; Озод Бухоро. 6-сон. 1923 йил 31 август; 27-сон. 1923 йил 20 декабр; 28-сон. 1923 йил 22 декабр; 88-сон. 1924 йил 11 май; 91-сон. 1924 йил 17 май; 103-сон. 1924 йил 14 июн; 127-сон. 1924 йил 14 август.

⁶⁰ З. Усманий. Матбуотимиз нима учун юксалмайдур //Бухоро ахбори. 83-сон. 1922 йил 9 май.

Қори Йўлдош Пўлатовларнинг фотосуратлари ҳам акс эттирилганлиги хабари босилган.

“Қозоқ матбуоти” мақоласи орқали қозоқ тилида чоп этиладиган “Оқ жўл” (“Оқ йўл”), “Экбахчим қозоқ” (“Меҳнаткаш қозоқ”), “Қозоқ тили”, “Бўстондуқ таври” (“Озодлик байроғи”), “Қизил Қозоғистон”, “Чўлпон”, “Темир қозоқ” каби газета ва журналлар Туркистон АССР, РСФСР, Бошқирдистон, Уралбўйи ҳудудларида босилиб чиққанлиги аниқланди. 1923 йилда Чоржўй вилоятида туркман тилида “Тил” номли газетани чоп этишга уринишлар бўлган.

БХСР ҳукумати томонидан 1923 йили янги “Очиқ сўз” газетасини чоп этиш чоралари кўрилган. Ҳатто унинг 1-сони учун 1000 олтин сўм ҳам ажратилган эди⁶¹. Бироқ ушбу нашр чоп этилганлиги тўғрисида учратган манбаларда ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

“Бухоро ахбори” газетасининг биринчи муҳаррири Саид Аҳрорийнинг “Озод Бухоро” саҳифаларида “Газетанинг биринчи даври” номли салмоқли мақоласининг босилиб чиқишини 4 йил давомида Бухородаги матбуотчилик ишининг таҳлилига бағишланган ўзига хос ҳисобот сифатида баҳолаш мумкин⁶². Мазкур мақолада “Бухоро ахбори” ҳамда “Озод Бухоро” газеталарида ишлаган мухбир ва ходимлар, улар томонидан ёзилган мақола ва хабарларнинг ўзига хос жиҳатлари, газетанинг такомиллашиб бориш жараёни атрофлича таҳлил қилинади. Шунинг ўринида газеталар қарийб 45 та турли-туман рукнлар остида материаллар босганлигини алоҳида қайд этиш мумкин.

Хуллас, “Озод Бухоро” чоп этилган 1923 йилнинг кузидан 1925 йилгача бўлган тарихий даврда, айниқса, унга А.Алиев муҳаррирлик қилган вақтида ҳукмрон мафкура таъсири яққол сезилади. Шахсан муҳаррирнинг

⁶¹ Озод Бухоро. 1-сон. 1923 йил 16 октябр.

⁶² Саид Аҳрорий. Газетанинг биринчи даври //Озод Бухоро. 88-сон. 1924 йил 11 май.

ўзи газеталардаги фаолияти билан коммунистик ташвиқот ва тарғиботнинг куруқ ижрочиси бўлиб қолганлиги кўринади.

“Озод Бухоро” газетасида “Бухоро ахбори”га нисбатан вилоят мухбирларининг роли ошиб, уларнинг газета таҳририятига йўллаган айрим мақолалари ичида жойларда кечаётган воқеалар тафсилотини ҳолисона ёритган айрим мақолалар борлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Баъзи муаммолар устида бошланган мунозаралар газетанинг ўнлаб сонларида давом эттирилган.

Хулоса қилиб айтганда, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари БХСР ҳукумати ўрнатилганидан сўнг ўзбек тилида чоп этилган матбуот нашрлари бўлиб, улар ҳар ойда камида 4-6 марта чоп этилган. Газеталарнинг нашр сони йилдан-йилга ўсиб борган⁶³. “Бухоро ахбори”да Саид Аҳрорий, Абдулхамид Чўлпон, Зиё Усманий, Остонкул Абдулқийёмов, Қори Йўлдош Пўлатов бош муҳаррир бўлиб фаолият юритган бўлсалар, “Озод Бухоро” газетасида эса Қосим Сорокин, Аббос Алиев каби масъул муҳаррирлар ҳамда иккала газетада 90 нафардан ортиқ мухбирлар ва муаллифлар ўз мақолалари билан қатнашганлар. Газеталарнинг сифати, сони, маънавий-маърифий жиҳатдан таъсирчан кучи, ўз даврида кечган жараёнларни ҳолисона баён қилиниши, айниқса, Саид Аҳрорий, Абдулхамид Чўлпон, Қори Йўлдош Пўлатовларнинг “Бухоро ахбори”да муҳаррирлик қилган йилларида юксалган.

БХСР Марказий Ижроия Қўмитасининг матбуот органи бўлган “Бухоро ахбори” газетаси амирлик тузуми ағдарилганидан бир ҳафта ўтиб, 1920 йил 9 сентябрдан бошлаб чоп этилди. Ушбу газета БХСРда юз берган иқтисодий-ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётни ўзида ифодалаган мақола ва хабарлар эълон қилиб борди. Газета ўзининг шакли, моҳияти, мазмуни,

⁶³ “Бухоро ахбори” газетаси 1920 йил (сентябр-декабр)да 15 та сон, 1921 йил давомида 44 та сон, 1922 йил 63 та сон, 1923 йил 89 та сон, “Озод Бухоро” газетаси эса 1923 йил (октябр-декабр) 33 та сон, 1924 йил давомида эса 165 та сони нашрдан чиққан.

уни чоп этишдан кўзланган мақсад ва вазифаларига кўра зарурий жанговор матбуот даражасига кўтарила олди. “Бухоро ахбори” газетаси 1920 йил 9 сентябрдан 1923 йил 16 октябргача, яъни 3 йилу 1 ой давомида чоп этилиб, унинг жами 214 та сони нашр юзини кўрди. Газета чоп этилган 3 йилдан ортиқ даврда аҳоли турмушининг турли жабҳаларида рўй бериб турган воқеаларга ҳозиржавоблик билан ўз муносабатини билдирди, жамиятдаги иллатларни очиб ташлайдиган танқид руҳида ёзилган мақолаларни чоп этилиши билан ўзига хос ўрин тутди.

1923 йил октябр ойи ўрталарига келиб “Озод Бухоро” номи остида янги газета чоп этилди. Мазкур газетанинг шакли ва мазмунида ўзгаришлар рўй берганлигини алоҳида қайд қилиш керак. Ушбу ўзига хос жиҳатлар тадқиқотнинг “Озод Бухоро” газетасига берилган тавсиф қисмида кўриб чиқилди. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, тадқиқотда “Озод Бухоро” газетасининг 1924 йил декабрига қадар бўлган даври ўрганилди, чунки танланган мавзунинг хронологик чегараси талабидан келиб чиқилди. “Озод Бухоро” газетаси 1930 йил октябр ойига қадар чоп этилган.

Мазкур газеталарни киёсий таҳлил килганда куйидаги ҳолатларга дуч келиш мумкин. Агар “Бухоро ахбори” газетаси БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси органи сифатида Эски Бухоро (ҳозирги Бухоро) шаҳрида ва чоп этилган бўлса, “Озод Бухоро” газетаси эса Бухоро Коммунистлар фирқасининг Марказий Қўмитаси, БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси, Марказий касабалар шўроси кабиларнинг нашрига айлантирилиб, газетанинг 1924 йил январ ойи сонларидан бошлаб таҳририят манзили Янги Бухоро (Когон) шаҳри, Қарши кўчаси, 13-уйда деб қайд этилади. Иккинчидан, “Бухоро ахбори” саҳифаларида миллий зиёлилар ва тараққийпарварларнинг фикри ҳамда қарашлари тарғиботига катта ўрин берилганди. “Озод Бухоро” газетасида эса жамиятдаги советлаштириш (1923 йил июл ойидан бошлаб) билан боғлиқ сиёсатнинг таъсири акс эттирилди. “Озод Бухоро” газетасида большевикча мафкуравий таъсир кучли бўлганлиги юқорида очиб берилди.

Учинчидан, “Озод Бухоро” газетаси БХСРда кечаётган йирик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида мақола ва хабарлар босиш ўрнига кундалик ҳаётда учрайдиган кичик ижтимоий муаммоларга кенг ўрин берган. Мафкуравий чеклаш туфайли ва иккинчи даражали, яъни мазмунан долзарб бўлмаган мақолаларнинг кўпайиб бориши “Озод Бухоро” газетаси ўқувчиларининг матбуотга эътиборини сусайтиргани табиий ҳол эди.

Хуллас, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари XX асрнинг 20-йилларидаги ўзбек миллий матбуотчилиги тарихида ўзига хос ўрин ва мавқега эга бўлиш билан бирга тарихий манба бўла олиши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир.

XX аср 20-йилларида Франция, Туркия, Германиядаги Туркистон миллати вакиллари (ўзбек, туркман, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, тожик) ўзларининг фикр ва ғояларини тарғиб қилиш учун бир қатор матбуот органларига асос солдилар. Муҳожир ўзбек (туркистонлик)ларнинг матбуотчилиқ фаолиятдан Германия ва Туркиядаги талабалар ҳам четда қолмади. БХСР Марказий Ижроия Қўмитасининг раиси лавозимида ишлаган, 1922 йилдан бошлаб аввал Афғонистонда, кейинроқ Туркияда муҳожирликда истиқомат қилган Усмон Хўжа Пўлатхўжаев (1878-1968 йй) Туркистон тарихи, маданияти ва миллий кураш ғояларини тарғиб қилиш мақсадида мустақил бир журнал чоп эттиришга киришди. Бу хайрли ишда Туркиядаги “Туркистон турк генчлари (ёшлари) бирлиги” ташкилоти раиси, тиш касалликлари доктори Маждиддин Аҳмад (Делил-туркча фамилияси) фаол қатнашди. М.А.Далил 1902 йилда Тошкентда таваллуд топган, 1922-1923 йилларда туркистонлик талабалар билан Туркиянинг қадимий пойтахти Истанбул шаҳридаги университетга ўқиш учун юборилганди. У 1926 йилда тиш касалликлари факультетини битириб олий маълумотли врач мутахассиси бўлиб етишган. 1927 йилда у ўз фикрдоши, маслакдоши бўлган Усмон Хўжа билан бирга “Ени Туркистон” (“Янги Туркистон”) журналининг 1927-1931

йиллар давомида чоп этилган сонларида Мажидиддин Аҳмад мақолалар билан қатнашган, таҳририят ишларида ҳам фаоллик кўрсатган. Журналга Усмон Хўжанинг “Афғонистон ва Туркистон”, “Миллат ва большевизм”, “Большевиклар ва деҳқонлар”, “Туркистонда турк адабиётининг мафкуравий таҳавуллари умумий бир назар”, “Троцкий ва троцкизм”, “Бухоро жумҳурияти” (“Эски Бухоро жумҳуриятининг тузилишига”) каби ўнлаб мақолалари босилган .

Чет элларда хорижий Туркистон матбуоти орасида “Ёш Туркистон” журналининг мавқеи баланд бўлиб, унинг таъсисчиси Мустафо Чўқаев (1886-1941) журнал атрофида кўп сонли туркистонлик муҳожир зиёлиларни тўплади.

Мустафо Чўқай ўғли 1929 йилнинг декабрь ойида Парижда (Франция) “Ёш Туркистон” мажмуасини чоп қилдирди. Ушбу журнал 1-сонининг муқоваси ички қисмида: “Ёш Туркистон” – Туркистон миллий истиқлол фикрига хизмат этувчи ойлик мажмуадир”,⁶⁴ - деб ёзилган. “Ёш Туркистон” журналининг 1-сони мундарижаси билан танишар эканмиз, у асосан уч бўлимдан иборатлигига гувоҳ бўламиз. “Сиёсий”, “адабий” бўлимлар билан бирга, охириги учинчи бўлим “Туркистон хабарлари” деб номланган. Журналнинг ҳажми 40 саҳифа атрофида бўлиб, унинг 1-сонидан эълон қилинган “Бизнинг йўл” номли бош мақолада: “Йўлимиз ва мақсадимиз, биз Туркистон истиқлолчилари элимизнинг эрки ва юртимиз Туркистоннинг қутулиши учун курашамиз, жумласида хулоса этила биладур. Туркистонликларга мундан бошқа йўл йўқ... “Ёш Туркистон” ҳажми ва эътибори билан кичик бўлса ҳам озод ва мустақил Туркистон байроғини кўтариш каби вазифани устига олиш ва у йўлда хизмат этиш билан буюқдир”⁶⁵, - каби фикрлар ёзилган. “Ёш Туркистон” саҳифаларида 1917-1930 йилларда совет давлати олиб борган буюқ миллатчилик сиёсати

⁶⁴ Ёш Туркистон, 1929 йил, декабрь. №1. –Б. 1.(мақола муаллифи “Ёш туркистон” журналининг айрим сонларини фойдаланишга берганлиги учун илмий раҳбар доц. К.Ж.Раҳмоновга миннатдорчилик билдиради)

⁶⁵ Ёш Туркистон, 1929 йил. №1. –Б. 2.

ва унинг салбий оқибатлари, Туркистондаги “босмачилик” ҳаракати, унинг моҳияти, қўрбошилар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тафсилотлар, “пахта яккаҳокимлиги” сиёсати, Ўрта Осиёда “ер-сув ислоҳоти”, “коллективлаштириш”, “қулоқлаштириш” билан боғлиқ жараёнлар, хориждаги туркистонликлар ҳаёти, коммунистик партиянинг диктаторликдан иборат ҳукмронлиги каби масалаларни қамраб олган долзарб мақолалар босилган.

Журналнинг 1930 йил октябрдаги 13-сонидан совет чекисти Оғабековнинг хотиралари чоп этилган⁶⁶. Оғабеков ўз хотираларида 1922 йилда Анвар Пошога суиқасд қилиш олдидан Бухоро Республикасидаги аҳволни қуйидагича тасвирлайди: “Биз Ғузорга (Қашқадарё вилояти) қараб беш кун йўл юрдик. Бу саҳрода унда-бунда қакқайиб турган чойхоналарни ва орасида жабҳадан қайтиб келмоқда бўлган аскарларни учратдик. Бир замон гуллаган Бухоро мамлакати бир харобазорга айланган эди. Аҳолининг бир қисми босмачиларга қўшилиб кетган ва бир қисми-да Афғонистонга қочиб кетган эди”.

“Ёш Туркистон” саҳифаларида совет ҳокимияти мамлакат ичкарасида ҳам аҳолини мажбуран кўчириб (депортация қилиб), ер ва ҳудуд масалаларида миллатлар можаросини вужудга келтириб турганлиги баён қилинган. Тифлисида чиқарилган “Заря Востока”нинг 1930 йил 14 февраль сонидан “Фарғонадан 500 йўқсул ўзбек хўжалиги Озарбойжонга кўчирилмоқчи бўлди. Бу 500 ўзбек оиласини Озарбойжоннинг пахта экадурғон ерларига ўткармакчилар деган қисқача бир хабар босилади. Мана рус ҳукуматининг миллий сиёсати: Туркистонга русларни келтириб, туркистонлиликларни ўз юртидан чиқаришга бошламоқдадур”,⁶⁷ - деб ёзилади. “Ёш Туркистон” мажмуасининг 3-4-сонларида 1924-1925 йилларда Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чеагараланишдан сўнг,

⁶⁶ Бурунги чекист Оғабеков хотираларидан. Туркистонда сотувчи сифатида босмачилар ичинда. // Ёш Туркистон: 1930; №13. –Б. 31-32.

⁶⁷ Туркистон муҳожирлари. //Ёш Туркистон. 1930. №3-4. –Б. 41.

худудий можаролар кескинлашганлигига эътибор қаратилди. “Ўзбекистон ва Тожикистон орасида тупроқ масаласида жанжал чиққан. Тожикистоннинг талаби бўйича Хўжанд доираси Ўзбекистондан ажратилиб Тожикистонга қўшилган эди. Бундан кейин Тожикистон Самарқанд ва Сурхандарё округларини ўз ичига қўшишни талаб этди. Ўзбек ва тожиклар ўртасидаги “тупроқ масаласи”ни ечиш учун Москвада машҳур чекист Петерс раислиги остида бир комиссия тузилган. Бу комиссия 12 февралда (1930 йил) ўз қарорини чиқаради. Бу қарорга кўра Сурхондарё Тожикистонга берилиб, Самарқанд ва Бухоро Ўзбекистонда қолдириладур»⁶⁸, - деб ёзилганди мажмуада.

“Ёш Туркистон”нинг адабий бўлимида чоп этилган шеърий ва насрий асарлар асосан мустақиллик учун курашган шоир ва ижодкорлар Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Элбек, Мағжон Жумабой ўғли, Элтар, Туйғун кабилар қаламига мансубдир. Журналнинг 1929-1930 йилларида чоп этилган сонларидан Чўлпоннинг “Япроқлар”, Мағжоннинг “Туркистон”, “Олисидаги Бавария”, Элбекнинг “Қуролға”, “Ёш Туркистонга”, Олтой Нўённинг «Шарқда нафрат ва қон», Фитратнинг «Миррих юлдузига», Туйғуннинг «Тирналган яралар», Элтарнинг “Туркистон кўрбошиларига” ва “Анвар пошога марсия»⁶⁹ каби шеърларни ўқиш мумкин.

Мустафо Чўқай «Ёш Туркистон»нинг бош муҳаррири бўлиш билан бирга, унда мутассил ўз мақолалари билан қатнашиб турди. Унинг журнал саҳифаларида эълон қилинган «Туркистонда пахта атрофида кураш», “Большевиклар тарихни қандай ёзадурлар”, “Туркистон ҳаракати”, “Қозоғистон ўн йиллигига”, “Туркистон фирқа қурултойи атрофида”, “Жаллодлар провокацияси”, “Мафкура майдонида кураш”, “Мухториятдан истиқлолга”⁷⁰ каби ўнлаб мақолалари босилди. “Ёш Туркистон” нинг 1929 йил декабридан 1939 йил августига қадар Парижда 117 та сони туркий

⁶⁸ Туркистон хабарлари. //Ёш Туркистон. 1930. №3-4. –Б. 39.

⁶⁹ Ёш Туркистон, 1929. №1. –Б. 20; №2. –Б. 23; №3-4. –Б. 41-42; №5-6. –Б. 25-26; №1. –Б. 24; №13. –Б. 32.

⁷⁰ Ёш Туркистон, 1929. №1; №3-4; №5-6; №9-10; №12-13, 1932. №3-4.

тилда, араб алифбосида чоп этилган. Журнални чиқариш, мақолалар ёзиш ва танлашда Мустафо Чўқайга Олой Нўён, Темур ўғли, Элтар, Эртели Унгур, Болта Тошкентли кабилар ҳамкорлик қилганлар.

Германиядан Туркияга кўчиб ўтган собиқ талабалардан бири Иброҳим Ёрқин (1902-1993 йй) ўз “”Хотиралари”да: “Ўша куни журналнинг ишчи гуруҳи тузилди ва бу гуруҳнинг котиби қилиб мени тайинлашди. “Ёш Туркистон”нинг бош муҳаррирлигига Мустафо Чўқай тайинланди. Берлинда журнал идорасида ишловчилар сифатида Тоҳир Шокир (кейинчалик Чиғатой), Аҳмаджон Иброҳим (кейинчалик Ўқой), Иброҳим Орифхон (сўнгра Ёрқин), Афзал Абдусайд (сўнгра Венсурел) сайландилар... 1929 йилда “Ёш Туркистон” журнали нашр этила бошланди. Журналда чиқадиган мақолалар Мустафо Чўқай томонидан кўриб чиқилиши учун Берлинга юбориларди. Мақолаларни босмага тайёрлаш Тоҳир Шокир билан мени зиммамга юкланган эди. Мақолалар дастлаб тўрт кишидан иборат таҳрир хайъати томонидан кўриб чиқиларди. Журнал арабча имло ва туркий тилда янги услубда босма ҳарфларда ёзишга келишилган эди” /7/ тарзида эслайди.

“Ёш Туркистон” журналида Тоҳир Чиғатой (1902-1987йй), Аҳмаджон Иброҳим (1900-1981йй), Абдуваҳҳоб Исҳоқ (1904-1968йй), Иброҳим Ёрқин кабилар ўзларининг Туркистон тарихи, ўлкада миллий кураш масалалари, маданий ва иқтисодий ҳаёти кабиларга оид ўнлаб мақолалар билан қатнашадилар. “Ёш Туркистон” журналида Германияга бухоролик талабалар билан ўқишга юборилган, кейинчалик иқтисод доктори даражасига эришган Мусатафо Чўқайнинг маслакдоши Аҳмад Найим Нусратиллобек (кейинчалик Ўқой) ҳам фаол қатнашди. У журналнинг бир қатор сонларида “Ашурбой” таҳаллуси билан мақолалар ёзди. Унинг бундай таҳаллус олиши бобоси, катта савдогар Ашурмурод қарвонбоши хотирасига иззат-ҳурмати туфайли бўлган .

“Ёш Туркистон” журнали чоп этилишида қийинчиликлар тўсқинликлар юз берган. Шунингдек, И.Ёрқин ёзишича, Тоҳир Шокир (Чиғатой)нинг

журнални чиқаришда ўзбошимчаликка йўл тутиши, қалам ҳақини тўланмаганлиги каби омиллар журнал фаолиятига салбий таъсир кўрсатган. Иброҳим Ёрқин “Ёш Туркистон” ишида ўзи учун эҳтиёт қилиб юрган пулини сарф қилгунча иштирок этган, кейинчалик эса иложсиз қолиб Туркиянинг Германиядаги элчисига мурожаат қилиб Туркия давлатига муҳожирликка кетган .

Германияда таҳсил олган талабалар Туркия Республикасига кўчиб ўтганларидан кейин ҳам матбуотчилик фаолиятларини давом эттирганлар. Физика соҳаси бўйича доктор, профессор, Анқара дорилфунунида ишлаган Саид Али Анқара (1899-1973 йй) “Турк юрти” ойномасида илмий-фалсафий мақолалар чоп эттирган, “Герантология” номли журнал унинг саъй-ҳаракатлари билан чоп этилган. Ёхуд, профессор Иброҳим Ёрқин Туркияга кўчиб ўтгач, “Турк маданияти” журналинини ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлди. Ушбу журнал саҳифаларида унинг Туркистон иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги, миллий озодлик ҳаракатлари, жадидчилик тарихига оид ўнлаб мақолалари босилади.

2-БОБ. Матбуот органларида БХСР маориф тизимининг йўлга қўйилиши, янгиликлар ва натижаларнинг баён этилиши

2.1. БХСР ҳукуматининг маориф соҳасидаги сиёсати: ютуқ ва муаммолар

БХСР ҳукумати таркибида маориф нозирлигининг ташкил этилиши ва ушбу нозирлик зиммасига замон талаблари асосида таълим - тарбияни йўлга қўйиш маъсулияти юклатилганлиги, бу йўналишдаги фаолият қирралари даврий матбуот талқинида ўз аксини топган. “Бухоро ахбори” газетасининг 1920-1921 йилларда чоп этилган сонлари билан танишилганда, эндигина вужудга келган республикада маориф тизими асосларини яратиш билан боғлиқ ҳукуматнинг бўйруқ ва қарорлари, дастур ва қоидалар, фармонлар, чора-тадбирлар ҳамда турли-туман маориф масаласига оид эълонлардан воқиф бўлинади⁷¹. Масалан, 1920 йил 17 сентябрдаги буйруқда маориф

⁷¹ Буйруқ-рақам 14. (имзо: Марказий ревком раиси - Мухиддинов) //Бухоро ахбори. 3-сон. 1920 йил 29 сентябр; Буйруқ! (имзо: Х.Н.Ш раиси – Файзулла Хўжа; маориф нозири - Қори Йўлдош) //Бухоро ахбори. 5-сон. 1920 йил 11 октябр; БХШЖ. М.И.Қ. тарафидан буйруқ, 27 рақам. (имзо: Мухиддинов, Орипов) //Бухоро ахбори. 8-сон. 1920 йил 21 ноябр; Мактаблар ҳақида умумий қоидалар (Қори Йўлдош, Орипов) //Бухоро ахбори. 10-сон. 1920 йил 29 ноябрь; БХШЖнинг маориф назорати тарафидан буйруқ. (Файзулла Хўжа, Қори Йўлдош) //Бухоро ахбори. 14-сон. 1920 йил 20 декабр; Маориф ишларини тафтиш қилиш //Бухоро ахбори. 19-сон. 1921 йил 13 январ; Мактаб раҳбарлари -“инструкторлар” учун дастурамал. (Қори Йўлдош, Исмоил Садри) //Бухоро ахбори. 25-сон. 1921 йил 22 феврал; 34-сон, 1921 йил 1 май; Мажбурий ўқитиш //Бухоро ахбори. 32-сон. 1921 йил 17 апрел; Маориф назорати томонидан эълон //Бухоро ахбори. 33-сон. 1921 йил 23 апрел.

назорати ихтиёрига амирлик даврида мавжуд бўлган барча китоб, ўқув-ёзув асбоблари топширилиши, маориф назоратининг рухсатисиз уларни хорижга олиб чиқмаслик, сотиб олиш маън этилиши зарурлиги қайд қилинганлиги “Бухоро ахбори”дан ўрин олган⁷². Юқорида қайд этилганидек, “Бухоро ахбори” газетаси маориф масаласига оид таълим-тарбия муаммоларини ҳал қилишга қаратилган ҳар бир ҳукумат тadbир ва қарорларини мутассил ўз саҳифаларида бериб борган. Уларда маориф назорати тарафидан муаллимлар тайёрлайдиган мадрасалар очилиши, ўқув муассасаларига мутахассисларни танлаш, жами мадрасаларни маориф назорати ихтиёрига бериш, турли ёшдаги шахсларни ўқишга жалб қилиш, ҳатто, ҳибсхонада ҳам ахлоқ тузатишга хизмат қиладиган қироатхона очиш, турли хунар артелларини ташкил қилиш, ўқитувчи-мураббийлар тайёрлаш, мирзолар курсларини ташкил қилиш, туманларда таълим-тарбия курси очиб, маҳаллий ёшларни ўқишга жалб қилиш, турли ёшдаги ўқувчилар уюшмаларини очиш, ўқитувчиларни моддий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш каби кўп қиррали жиҳатлар акс эттирилган⁷³.

1921 йил 17 апрелда “Бухоро ахбори” саҳифаларида босилган хабарда: “ХНШнинг охирги мажлисида 25 ёшгача бўлгон кишиларнинг ўқишга мажбурий эканлиги тўғрисида қарор берилгон. Қаерда ишламасун зўрлаб ўқишга олиш бошлангон”⁷⁴,- мазмунидаги маълумот берилган. Газетадаги ушбу маълумот БХСРда барча учун савод чиқариш мажбурий қилиб қўйилганлигидан воқиф қилади.

Маориф ва мактаб тизимини йўлга қўйишда энг асосий меъёрий ҳужжат БХСР маориф нозири Қори Йўлдош Пўлатов раҳбарлигида ишлаб чиқилган “Мактаблар ҳақида умумий қоидалар” (“Қоидалар”) бўлиб, унинг матни “Бухоро ахбори” саҳифаларида тўла ҳолича эълон қилинган⁷⁵. Мазкур

⁷² Бухоро ахбори. 2-сон. 1920 йил 17 сентябр.

⁷³ Маориф назорати томонидан эълон //Бухоро ахбори. 33-сон. 1921 йил 23 апрел; Изчилар тўдаси очилди //Бухоро ахбори. 36-сон. 1921 йил 17 май.

⁷⁴ Мажбурий ўқитиш //Бухоро ахбори. 32-сон. 1920 йил 17 апрел.

⁷⁵ Бухоро ахбори. 10-сон. 1920 йил 29 ноябр.

“Қоидалар”да БХСРда маорифни йўлга қўйишнинг умумий вазифалари, мактаб маъмуриятида бошқарув, педагог ходимларга маош тўлаш тартиби, мактабда фанларнинг ҳамда таълим-тарбиянинг асосий йўналишлари қайд этилади. Газетанинг кейинги сонларида “Қоидалар” устидаги қизгин мунозара материаллари муттасил чоп этиб борилган⁷⁶.

“Бухоро ахбори”нинг 1921 йил 22 февралдаги 25-сонида “Мактаб раҳбарлари - “инструкторлар” учун дастурамал” чоп этилиб, унинг давоми ушбу газетанинг 1921 йил 1 май 34-сонида ўз аксини топган. Бу дастурда мактабда ўқув жараёнини ташкил қилиш, ўқувчиларни мактабдан ташқари тадбирларга жалб этиш, ахлоқий тарбия бериш, мактаб муаллимлари ташкилотини тузиш, ўқувчиларни мактабда текин овқатлантиришни ташкил этиш каби масалалар 16 бандда қайд қилинган. Дастур матни газеталарнинг қайд этилган сонларида тўлалигича келтирилган.

Маориф назорати бошланғич мактаб ўқувчилари учун “Алифбо” китобини ёзиш бўйича конкурс эълон қилади. Ушбу конкурс шартлари ҳам “Бухоро ахбори”да берилган эди. Ёзилажак “Алифбо” ўзбек тилида бўлиши, ҳарфлар ислоҳ қилинган араб имлосида ёзилиши, таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши, ёт тиллардаги сўзлардан холилиги шарт қилиб қўйилган. Намунали деб танилган “Алифбо” китоби муаллифларига 500 минг сўм миқдорида мукофот ҳам таъсис этилганлигининг эълони газетадан ўрин олган.

Маориф назорати томонидан 1922-1924 йилларда маориф соҳасининг турли қирраларини қамраб олган ва такомиллаштиришга қаратилган бўйруқлар кетма-кет чиқиб турганлиги, маориф қурултойларини уюштириш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар, маорифни моддий жиҳатдан

⁷⁶ Азиззода Лазиз. Ҳамма нарса билим учун //Бухоро ахбори. 30-сон. 1921 йил 5 апрел; Абдулқодир Муҳиддинов. Тилимиз ва маориф назорати //Бухоро ахбори. 35-сон. 1921 йил 10 май; Бекбой. Маориф ишлари теграсида //Бухоро ахбори. 55-сон. 1921 йил 18 ноябр; Қори Йўлдош. Маориф ишлари тўғрисида //Бухоро ахбори. 56-сон. 1921 йил 26 ноябр.

таъминлашга ажратилган маблағлар, маориф икки ҳафталиклари⁷⁷, бутун Бухоро муаллимларининг семинар-кенгашлари, уларда кўрилган масалалар, мактаб ислоҳотидаги ўзгартиришлар ҳақида БХСР матбуоти батафсил ёритиб борган.

Газеталардаги чоп этилган турли маълумотларда ўқув йилининг республика ҳудудида 1 октябрдан бошланиши ва кейинги йил июн ойи бошларига қадар ўқув жараёнларининг давом этиши, маориф назорати ҳисобида очилаётган янги мактаблар, уларни моддий жиҳатдан таъминлаш, ҳомий ташкилотлардан мактабларга берилган моддий ёрдамнинг миқдори аниқ рақамларда ифодаланади.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари БХСРда маориф ва унинг умумий аҳволи, ўзига хос томонлари, мураккаб ва зиддиятли жиҳатлари, бу йўналишдаги фойдаланилмаган имкониятлар, ютуқ ва камчиликлар тўғрисидаги маълумотларни манбавий жиҳатдан бойитади.

БХСРда 1920 йилнинг охири ва 1921 йил бошларида маориф тизимини йўлга қўйиш мақсадида турли шаклдаги таълим муассасалари очилган. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталаридаги маълумотларга таяниб, республикада фаолият бошлаган мазкур муассасаларни бир неча тармоқларга ажратиш мумкин. Пойтахт Бухоро шаҳри ва вилоятларида ибтидоий (бошланғич) ва умумий таълим берадиган мактаблар, намуна мактаблари, хотин-қизлар мактаблари, ҳунар мактаблари, мусиқа, духовой оркестр мактаблари, устахона мактаблари, сиёсий мактаблар, рус тили мактаблари, дорилмуаллимин (ўқитувчилар билим юрти), хотин-қизлардан муаллималар етиштириш учун 6 ойлик таълим-тарбия курслари, диний таълим берадиган эски усул мактаблари, шу соҳада олий таълим берувчи муллаваччалар тайёрлайдиган дорулим, саводсизликни тугатиш мактаблари, кечки курслар кабилар мавжуд бўлганлиги ёрқинлашади.

⁷⁷ Маориф икки ҳафталиги - БХСР йилларида даврий равишда ўтказилиб туриладиган маданий-маърифий тадбир.

Бухоро вилояти маориф шўъбаси томонидан 1921 йилнинг январиди Эски Бухорода 5 та мактаб, бутун вилоят бўйича 15 та мактаб, 1 та хотин-қизлар мактаби, 1 та ҳунар мактаби мавжудлиги хабар қилинади. 1922 йилда шу каби мактабларни 80 тагача етказиш режаси қайд қилинган⁷⁸. Айни шу даврда 5 жойда кечки курслар ҳам фаолият олиб бориб, улардан биттасида форс, турк, рус, немис тилларида таълим берилиб, 120 киши таҳсил олган экан⁷⁹.

Газеталарда келтирилишича: “Бухоронинг ўзида 1921 йилнинг ёзида 17 та ибтидоий (бошланғич) мактаблар, 2 та қизлар мактаби, 3 та етимхона, 1 та ҳунар мактаби, 1 та устахона, 1 та мусиқа мактаби, 1 та сиёсий мактаб мавжуд бўлган”⁸⁰. БХСР ҳудудида бошланғич ва умумтаълим мактаблари сони 1921-1922 ўқув йилида қуйидагича бўлган: “Чоржўйда 6 та ибтидоий мактаб, бутун вилоят мактаблар сони 9 та; Қаршида вилоят бўйича 12 та; 7 таси Қарши шаҳринда; Карки вилоятида 3 та мактаб; Вобкантда 10 та мактаб; Гиждувонда 8 та мактаб; Кармана вилоятида 15 та мактаб; Янги Чоржўйда 3 ойлик таълим-тарбия курслари; Чоржўй, Кармана, Хатирчи шаҳарларида етимхоналар бор”⁸¹.

Мактаблар олдида кечки савод курслари очилиб, шу йўл билан саводсизликка қарши кураш бошланган. Матбуот маълумотларидан аён бўладики, “саводсизликни битириш учун кураш” ҳаракати республикада 1922-1923 ўқув йили даврида авж олган. Бу ҳақда газетанинг 1922 йил октябр-декабр сонларида ўнлаб хабарлар “Саводсизлик билан кураш” рукни остида эълон қилинган⁸². Ҳар бир вилоятда 1-2 та саводсизликни битириш

⁷⁸ М. Ҳасан. Вилоят маориф шўъбасининг ҳозиргача ишлаган ишлари //Бухоро ахбори. 22-сон. 1921 йил 1 феврал.

⁷⁹ Ўша жойда.

⁸⁰ Бухорода илм жойлари //Бухоро ахбори. 41-сон. 1921 йил 30 июн.

⁸¹ Вилоятларда маориф ишлари //Бухоро ахбори. 41-сон. 1921 йил 30 июн.

⁸² Саводсизликка қарши //Бухоро ахбори. 43-сон. 1921 йил 7 июл; Саводсизликни битирмак учун мактаб //Бухоро ахбори. 104-сон. 1922 йил 22 октябр; Саводсизликни битириш йўлида муҳим ҳаракатлар //Бухоро ахбори. 178-сон. 1923 йил 27 июн; Саводсизликни йўқ қилмак учун //Бухоро ахбори. 195-сон. 1923 йил 29 август; Саводсизлик битсун! //Бухоро ахбори. 211-сон. 1923 йил 7 октябр; Саводсизликни битириш мактаблариға муаллимлар тайёрлаш //Бухоро ахбори. 205-сон. 1923 йил 23 сентябр; Саводсизликни

курси очилган. Катта ёшли шахсларга 3 ой давомида ўқиш ва ёзишни ўргатиш вазифаси долзарб қилиб қўйилган. “Озод Бухоро”нинг маълумотича, саводсизликни битириш курсларида она тили фани ҳафтасига 6 соат, ҳисоб 6 соат, жуғрофия, тарих, табиат, рус тили, сиёсий савод фанлари 1 соатдан ўқитилаётганлиги аён бўлади⁸³.

1923-1924 ўқув йилида бутун республикада 70 000 ўқувчи таҳсил олаётганлиги, янгидан 20 та хат-савод ўргатиш курслари очилганлиги газетада хабар қилинган⁸⁴. Хат-савод курсларининг сони республика охириги йилига келиб, 51 тага етган, фақатгина 34 мактабдаги 1626 ўқувчи сони аниқлиги, қолганлари эса маълум эмаслиги ҳам ёзилган. Бироқ саводсизликни битириш курслари ўз олдиларига қўйган вазифани атиги 26 фоизини бажарганлиги билан боғлиқ камчилик алоҳида қайд қилинган⁸⁵. Хат-савод мактаблари республикада истиқомат қилаётган рус, Бухоро яҳудийлари ва бошқа миллат вакиллари ўқитиш учун ҳам очилганлигидан воқиф бўлинади.

Хат-савод ўргатиш мактабларини турли тиллардаги дарсликлар билан таъминлаш мақсадида Туркистон АССР, РСФСР, Татаристон АССР, Озарбайжон ва Туркиядан рус, турк, татар, ўзбек тилидаги адабиётлар келтирилган. Газеталар маълумотича, 1921 йилда хат-савод ўргатиш мактабларига 2000 та китоб, 1924 йил ёзида эса Туркистон АССРдан 15000 дан ортиқ китоб келтирилди⁸⁶. Бу тадбирларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилди. Матбуот маълумотларини архив ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, 1922-23 ўқув йилида давлат

битириш ҳақида муваққат Дастуриламал //Озод Бухоро. 10-сон. 1923 йил 10 ноябр; Саводсизлик билан кураш //Озод Бухоро. 22-сон. 1923 йил 11 декабр; Битсун саводсизлик! //Озод Бухоро. 47-сон. 1924 йил 10 феврал; Саводсизликни битириш йўлида //Озод Бухоро. 74-сон. 1924 йил 10 апрел; 121-сон. 1924 йил 31 июл.

⁸³ Саводсизликни битириш ҳақида муваққат дастуриламал //Озод Бухоро. 10-сон. 1923 йил 10 ноябр.

⁸⁴ 26 фоиз бажарилган //Озод Бухоро. 10-сон. 1923 йил 13 январ.

⁸⁵ Ўша жойда.

⁸⁶ Хат-саводсизлик билан кураш //Озод Бухоро. 102-сон. 1924 йил 12 июн.

бюджетида маориф ишлари учун 5,6 %, 1923-24 ўқув йилида эса 21 % маблағ ажратилган⁸⁷.

Республиканинг охириги йилида ҳам саводсизлик билан кураш масаласи кўндаланг бўлиб турди. Ўша даврда бу жабҳадаги умумий ҳолатни “Озод Бухоро” газетаси бир неча мақола ва хабарлар орқали изоҳлашга уринган⁸⁸. Айниқса, А. Бойматовнинг газетада чоп этилган “Хат-саводсизлик билан кураш жабҳасида” номли салмоқли мақоласи кенгроқ маълумот беради. Жумладан, мақолада ёзилишича: “Ҳар бир мактаб ҳузурида курс бўлмоққа тегиш топилди. Бу курсларда 2 нафар муаллим, 1 нафар мудир, 50 нафар талаба бўлиши лозимлиги белгилонган. Вобкент, Ғиждувон, Қорақўл туманларида, Когон, Чоржўй, Кармана, Қарши, Шеробод, Ғузор, Карки каби шаҳарларда 1 тадан хат-савод мактаби борлиғи айтилди. Ҳар ой Бухорода 840 сўм, вилоятларда 120 сўм ҳаражат қилинаётган экан. Ҳар мактаб 10 сўм 40 тийин олиб, 13 сўм 20 тийинга тушадур. Барча смета 21639 сўмдур (Шарқий Бухоро киргизилмаган). Ғарбий Бухорода эркаклар 560 000 нафар; хотунлар ҳам 560 000 нафар саводсиз ҳисобга олинган. Муаллимни 3 нафар қилиб, талабалар сонини 75 нафар қилиш керак. Бу мактабларга ибтидоий мактаб ўқитувчиларини жалб қилиб, 25% зиёд (60 сўм) ойлик бериш керак. Ўқитғонлари учун соатлаб 80 тийин беришга қарорлар бериш керак”⁸⁹.

1921-1922 ўқув йилидан бошлаб Бухоро шаҳрида биринчи дорулмуаллимин (ўқитувчилар били юрти) очилган. Дорулмуаллиминда ўқиш муддати 2 йиллик бўлиб, “ахзори” - сиртқи бўлим ҳам мавжуд эди. Дорулмуаллимин тайёрлов бўлимига қабул қилинадиган ўқувчи-талабалар ёши 15 дан кам, 22 ёшдан катта бўлмаслиги шарт қилиб қўйилган. “Дорулмуаллиминнинг очилиши илм ва маориф йўлида биринчи одимдир. Бухоронинг истиқболи ва саодати учун дорулмуаллиминнинг яшамоғи

⁸⁷ Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 16-рўйхат, 372-иш, 5-варақ.

⁸⁸ Камол Нўноқ. Хат-саводсизлик билан кураш ишларининг бориши //Озод Бухоро. 119-сон. 1924 йил 27 июл; Ўша муаллиф. Хат-саводсизлик билан кураш жабҳасида //Озод Бухоро. 121-сон. 1924 йил 31 июл; Ваҳобов. Хат-саводсизлик билан кураш //Озод Бухоро. 127-сон. 1924 йил 14 август.

⁸⁹ Озод Бухоро. 93-сон. 1924 йил 22 май.

лозимдур. Бунга ҳукумат аҳамият бериб, бунинг яшамоғини таъмин этиш керакдур”⁹⁰, - деб ёзилади “Бухоро ахбори” газетасида. Дорулмуаллиминда таҳсил олиш учун БХСРнинг 10 та вилоятидан ёшлар тўпланган.

1921-1922 ўқув йилида Янги Чоржўй шаҳрида иккинчи дорулмуаллимин ҳам иш бошлайди. “Янги Чоржўйда собиқ амир ҳукумати тарафидан солингон “Николай” гимназияси (Россия подшоши Николай II номи билан аталгон) ўқув юрти биносида ўтган сана (1921 йил) дорулмуаллимин иш бошлагон эди. Бунга маориф назорати томонидан “Файзулло Хўжа” исми берилиб, очилиш маросимида ҳукумат бошлиқлари қатнашди”⁹¹, - дейилади хабарларда.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида умумтаълим мактаблари, хотин-қизлар мактаби ҳамда дорулмуаллиминларда имтиҳон олиш тартиби, имтиҳондан ўтган ўқувчи ва талабаларни рағбатлантириш билан боғлиқ мақола ва хабарлар ҳам талайгина⁹². Имтиҳонлар республика вилоятларида одатда 15 июндан кейин қабул қилинган. Хат-савод курсларида май ойининг биринчи ўн кунлигида имтиҳон олиниб, курсларни битирганларга гувоҳнома берилган. Газеталардаги имтиҳонлар билан боғлиқ маълумотларни таҳлил қилиш орқали шундай хулосага келиш мумкинки, умумтаълим мактабларида синфдан-синфга ўтказиш пайти ҳамда дорулмуаллиминларда битириш имтиҳонларини топшира олмаганлар қайта ўқиш учун юборилган. Имтиҳонларда иштирок қилиш учун ота-оналар ҳам

⁹⁰ Бухоро ахбори. 54-сон. 1921 йил 3 ноябр.

⁹¹ “Файзулло Хўжа” Дорулмуаллимининг расмий очилиши // Бухоро ахбори. 113-сон. 1922 йил 30 октябр; Чоржўйда “Файзулло Хўжа” Дорулмуаллиминининг расмий очилиши // Бухоро ахбори. 116-сон. 1922 йил 10 декабр.

⁹² Имтиҳонлар // Бухоро ахбори. 86-сон. 1922 йил 27 май; Зиёфат // Бухоро ахбори. 90-сон. 1922 йил 15 июл; Имтиҳон қилингон талабалар сони // Бухоро ахбори. 103-сон. 1922 йил 19 октябр; Чоржўйда маориф ишлари // Бухоро ахбори. 164-сон. 1923 йил 29 апрел; Маориф ва имтиҳонга муносабатимиз // Бухоро ахбори. 181-сон. 1923 йил 12 июл; Туманларда имтиҳонлар // Озод Бухоро. 94-сон. 1924 йил 24 май; Кармана вилояти маориф вакилларида изҳори ташаккур // Озод Бухоро. 94-сон. 1924 йил 24 май; Беҳбудийда имтиҳонлар // Озод Бухоро. 97-сон. 1924 йил 31 май; Хат-савод курсларида имтиҳонлар // Озод Бухоро. 97-сон. 1924 йил 31 май.

таклиф қилинган. Имтиҳонлардан муваффақиятли, юқори баҳо билан ўтган ўқувчи ва талабалар тақдирланган⁹³.

Ўқув муассасаларини педагог мутахассислар билан таъминлаш муаммоси ҳамда турли категориядаги ўқитувчиларнинг моддий аҳволи, уларнинг савияси замон талабларига жавоб бериши даражаси билан боғлиқ хабарларни газеталарда келтирилиши ҳам аҳамиятга эгадир. Бир қатор мақола ва хабарлар ўқитувчилар моддий шароити билан боғлиқ аянчли маълумотларни келтиради. Бундай камчиликлар, аввало, ўқитувчилар дарс бераётган бинолар талабга мутлақо жавоб бермаслиги, уларни тегишли кўргазмали куроллар, ўқув асбоблари билан таъминланмаганлиги, мактаб ва маориф муассасалари айрим собиқ амир даври амалдорларининг уйларида жойлашганлиги, яъни торлиги, иккинчидан, ўқитувчиларга тўланадиган маошларнинг оз миқдордалиги билан боғлиқдир⁹⁴.

Ўқув даргоҳларига кўшни республикалардан (Татаристон, Бошқирдистон, Туркистон АССР) педагог муаллимлар ишлаш учун таклиф қилинган⁹⁵. Бироқ БХСР маориф тизимида фаолият кўрсатган ушбу вакиллар ноқулай табиий шароит, моддий аҳволнинг оғирлиги, маошларнинг ўз вақтида олмаслик, айниқса, республиканинг чекка вилоятларида уларга нисбатан шахсий ҳимоянинг йўқлиги каби сабаблар туфайли ўз ватанларига қайтиб кетишган. Бу ҳақда газеталардан тегишли маълумотлар олиш мумкин⁹⁶.

⁹³ Бухоро ахбори. 103-сон. 1922 йил 19 октябр.

⁹⁴ Ўқитувчими-жаллодми? //Бухоро ахбори. 69-сон. 1922 йил 4 феврал; Темир Бой. Муаллимлардан бир товуш //Бухоро ахбори. 155-сон. 1923 йил 12 апрел; Мана сизга “муаллим” //Озод Бухоро. 38-сон. 1924 йил 12 январ; Муаллим ва талабалар аскарый хизматдан озод қилинадур //Озод Бухоро. 99-сон. 1924 йил 20 август; Туркман вилоятида маориф ишлари //Озод Бухоро. 157-сон. 1924 йил 27 октябр.

⁹⁵ Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Татар зиёлилари Бухорода //Жамият ва бошқарув. 2007. № 3. - Б.125-126.

⁹⁶ Маориф учун //Бухоро ахбори. 20-сон. 1921 йил 18 январ; Татбиқот курси //Бухоро ахбори. 22-сон. 1921 йил 1 феврал; Четдан келган муаллимлар тўғрисида //Бухоро ахбори. 43-сон. 1921 йил 7 июл; Муаллимлар таъминоти //Бухоро ахбори, 43-сон 1921 йил июл. Остонқул. Яна мактаб масаласи //Бухоро ахбори. 64-сон. 1922 йил 11 январ; Маҳмуд Субоҳ. Юзни ювмоқ билан оқартмоқ каби қалбнида ўқимоқ билан оқартмоқ керак! //Бухоро ахбори. 104-сон. 1922 йил 22 октябр.

2.2. Педагогик ходимлар тайёрлаш йўлидаги ислохотлар ва натижалар

Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида 1920-1924 йилларда яшаган Бухоро Халқ Республикасининг ўзига хос ўрни бор. БХСР ҳукумати ташкил топган дастлабки кунларданоқ таълим-тарбия масалаларига жиддий эътибор қаратди. Республиканинг биринчи халқ маорифи нозири бўлган қори Йўлдош Пўлатов (1890-1965, 1921-1922 йиллар) 1920 йилнинг ноябрь ойи 3-декадасидаёқ «Мактаблар ҳақида умумий қоида»ларни ишлаб чиқди. Мазкур тарихий ҳужжатда аҳолини ёппасига саводхон қилиш, барча болаларни текин бошланғич ўрта мактабларга жалб қилиш ўқиш ҳамда ўқитиш ишларини маънавий тамойиллар мезонида йўлга қўйиш қайд қилинганди. «Таълим-тарбияда болаларни сўқмоқ, урмоқ, жазо бермоқ битирилиб, ўғит-насихат танбех, ўртак кўрсатиш (ибрат намуна) усуллари қўлланилади: таълим ахлоқий, фаний, сиёсий (мафкуравий) равишда бўлиб, ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 30-35 киши қилиб белгиланади»-деб ёзилганди «қоидалар»да. («Бухоро ахбори», 1920 йил, 29 ноябрь, 10-сон)

Мактаблар очиш масаланинг биринчи жиҳати бўлса, иккинчидан болаларга таълим ва тарбия берадиган педагогик ходимлар тайёрлаш масаласи кун тартибидаги энг долзарб масала эди.

Ўқитувчи ва мураббийлар муаммосини ҳал қилиш мақсадида маориф нозирлари бўлиб ишлашган Қори Йўлдош Пўлатов ва А.Фитратлар Туркистон АССР, ички Русия (Россиянинг Бошқирдистон ва Татаристон Республикаларидан) Кавказдан (Озарбйжон) муаллим ва муаллималарни Бухорода ишлаш учун таклиф этилган. Лекин Бухоро Республикасида кенг тарқалган хавфли касалликлар; безгак, «Бухоро варажаси», ришта (тери ости куртлаши) кабилар туфайли касалланиб қоларди, кўп ҳолларда ҳаётдан кўз юмардилар. Хабарлардан бирида: «Бошқирдистондан эски Бухорога таклиф қилинган ношир ва маорифчи 14 ходимдан 9 таси касалланиб вафот этди»-

деб ёзилади. Педагог ходимлар таклиф этиш жараёни республиканинг 3-4-йилларида (1923-1924 йиллар) ҳам давом этган. Маориф нозири Қ.Йўлдош Пўлатов «Йўл хотиралари» номли эсдаликларида 1923 йилнинг феврал ойида Москва ва Петербург шаҳарларига кета туриб Казалинскда татарлашган ўзбек муаллималари билан суҳбат қилганлиги ва уларни Бухорода ишлаш учун таклиф этганлигини ёзади.

Республикада фаолият олиб борадиган 60 дан ортиқ бошланғич ва ўрта умумтаълим мактаблари, ҳамда 2 та хотин-қизлар мактабини, 3 ойлик саводсизликни тугатиш курсларини муаллим ва муаллималар билан таъминлаш имкониятларини мамлакатнинг ичидан қидириш керак эди. Аввало, амирлик даврида мадрасаларда мударрислик қилган шахсларни янги усул мактабларига жалб қилиш тажрибаси қўлланилди. Лекин бу етарли эмас эди. 1920 йил охирларида маориф нозирлиги муаллимлар тайёрлаш дорилмуаллиминини очиш тараддудини кўра бошлади. Тоқим, дорулмуаллимин очилиб ишга тушгунга қадар ўқувчиларга 3 ойлик ёзги таътил берилиб, саводи ва савияси бир қадар даражада бўлган шахслардан мураббийлар тайёрланган.

Хуллас, 1921-1922 йилдан бошлаб Бухоро шаҳрида биринчи дорулмуаллимин очилган. Дорулмуаллиминда ўқиш муддати 2 йиллик бўлиб, «ахзори»-сиртки бўлим ҳам мавжуд эди. Дорулмуаллимин тайёрлов бўлимига қабул қилинадиган ўқувчи-талабалар ёши 15 дан кам, 22 ёшдан катта бўлмаслиги шарт қилиб қўйилган. Асосий курсларда ўқийдиган кундузги ва сиртки бўлим талабалари ёши 16-25 оралиғида бўлиши керак эди. «Бухоро ахбори»: «Дорулмуаллиминнинг очилиши илм ва маориф йўлида биринчи одимдир. Бухоронинг истиқболи ва саодати учун дорулмуаллимнинг яшамоғи лозимдур. Бунга ҳукумат аҳамият бериб, бунинг яшамоғини таъмин этиши керакдур»-деб ёзган эди. («Бухоро ахбори», 1921 йил 3 ноябрь 54-сон).

Дорулмуаллиминда таҳсил олиш учун Бухоро Халқ Республикасининг 10 та вилоятидан ёшлар тўпланди. 1921-1922 ўқув йилида республиканинг Чоржўй вилоятидаги Янги Чоржўй шаҳрида иккинчи дорулмуаллимин ҳам иш бошлайди. «Янги Чоржўйда собиқ амир ҳукумати тарафидан солингон «Николай гимназияси» (Россия подшоси Николай II номи билан аталган ўқув юрти) биносида ўтган сана (1921 йил) дорулмуаллимин иш бошлаган эди. Бунга маориф назорати томонидан «Файзулла Хўжа» исми берилиб, очиلىш маросимида ҳукумат бошлиқлари қатнашди»-дейилади хабарлардан бирида. («Бухоро ахбори», 1922 йил 30 октябрь 113-сон). Юқоридаги маълумотдан кўриниб турибдики, ўша даврда маданий-маърифий муассасаларга, янги корхоналарга, ҳатто вилоят ва шаҳарларга ҳам айрим таниқли шахслар ҳамда ҳукумат раҳбарларининг номини бериш расми-одат бўлган. Жумладан, Чоржўй дорулмуаллиминига Файзулла Хўжаев номи берилган бўлса, 1922 йилда Бухорода очилган биринчи халқ музейига қори Йўлдош Пўлатов номи берилган. қарши вилояти ва қарши шаҳри эса жаҳид мунавварларининг йўлбошчиси Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919 йиллар) номи билан аталган. Дорулмуаллимларни битирган биринчи қалдирғоч ўқитувчилар таълим муассасаларида фаол иш бошлайдилар. Уларга ўз касбий маҳоратларини доимо ошириб боришлари, муаллимлик сирларини чуқурроқ эгаллашларига қизиқтириш учун маош тўлашни категория ва даража меъёрлари белгиланади. «қоидалар»да: «Мактаб ходимларига 3 категория 5 даража орасинда мояна берулур, яъни 6 минг сўмдан 8 минг сўмга қадар.

1-даража-8000 сўм

2-даража-7500 сўм

3-даража-7000 сўм

4-даража-6500 сўм

5-даража-6000 сўм («Бухоро ахбори», 1920 йил 29 ноябрь 10-сон).

Маълумки, Бухоро Республикасидаги салкам беш миллионли аҳолининг ярмидан ортиғи хотин-қизлар эди. Хотин-қизлар орасида саводсизлик даражаси кучли бўлиб, жамиятдаги қолоқлик ва қашшоқликни бартараф этиш уларни саводхон бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Ҳукумат: «Хотин-қизларимизни илм ва маориф нурлари билан нурлантирмак ва уларни ҳақиқий мураббия этмак учун тиришмак энг муҳим вазифадур!»-деб ҳисобларди. («Бухоро ахбори» 1922 йил 4 май 82-сон).. Хотин-қизлар орасидан муаллималар тайёрлаш учун Бухорода ва Каркида 6 ойлик махсус курслар ташкил этилган. Бу курсларни битирган аёл ўқитувчилар республикадаги 2-3 та хотин-қизлар мактабида дарс беришган.

Хотин-қиз ўқитувчи ва мураббиялар етарли эмасди. Шунинг учун ўша даврда: «Агар мамлакатда сағирхоналар (етимхоналар) очиб, қизларни тўплаб ўқитиб илмли қилсак бизга керакли муаллималар, ходималар етишиб чиқарди»-қабилидаги таклифлар ҳам билдирилган. («Бухоро ахбори», 1923 йил, 18 апрель). Бухоро Республикаси ҳукумати дорулмуаллиминларни моддий базасини мустаҳкамлаш чораларини ҳам кўрган. 1922-1923 йилларда газета ва китоблар чоп этиш учун Германиядан «литография», «монотип» маркали мусулмонча ҳарф териш машиналари олиб келинган. Россия ярмаркаларидан республика эҳтиёжлари учун, қоғоз, дафтар, қалам ва ручкалар кўп миқдорда сотиб олинарди, ёки Бухоро молларига алмаштириларди. «Россиянинг Макар ярмаркасида Бухоро учун цемент, тахта ҳар хил чит билан бирга 10 минг дона мактаб дафтарлари ва Германиядан келган асбоб-ускуналар сотиб олинди»-дейилади маълумотлардан бирида («Бухоро ахбори» 1922 йил 15 октябрь 102-сон).

Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати 1923 йилда ўз пойтахтида дорилфунун (университет) очиш мақсадида халққа ёрдам сўраб мурожаат қилган. Ҳатто, Файзулла Хўжаев олтин дастали қиличини дорилфунун очиш учун «иона ва хайрия фондига» топширган. Бироқ дорилфунунни очиш ўша

даврда катта маблағни (150 млн.ли олтин сўмни) талаб қиларди. Тўпланган хайрия жамғармалари 50 млн. олтин сўмдан ошмаган.

Бухоро Халқ Республикасининг педагогик ходимлар тайёрлаш соҳасидаги истиқболли режалари Ўрта Осиёда ўтказилган миллий давлат чегараланиши туфайли ора йўлда қолиб кетди. Аммо бу соҳадаги ўша давр тарихий тажрибаси изсиз кетмади. Бугинги кунда ўрта умумтаълим мактабларида ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони, категория ва разрядлар билан ўқитувчиларга маош тўлаш кабилар XX аср 20-йиллари тарихий тажрибасининг замонавий шакллари десак хато қилмаймиз.

3-боб. БХСР маданий муассасалари ва уларнинг фаолияти талқини

3.1. БХСРда миллий сахна (театр) санъати шаклланишининг матбуот органларида ёритилиши

XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида Шарқ дунёсида миллий маданият ва санъат ривожига муҳим босқич бўлди. Жумладан, Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР-да замонавий ўзбек миллий санъатини шакллантириш, уни ибрат ва ахлоқ тарбияси объектига, айлантириш халқнинг маънавий баркамоллигини таъминлаш каби йўналишларда амалий қадамлар қўйилганди. Ф.Хўжаев раҳбарлигидаги Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати маданиятнинг оммавий соҳаларидан бири бўлган театр санъати ривожига алоҳида эътибор қаратди. Халқ маорифи нозирлиги қошида «Сиёсий онг ва билим тарқатиш шўъбаси» мафкура бўлими тузилиб, мазкур бўлим зиммасига аввало, БХСР вилоятларида⁹⁷ театр труппалари ташкил этиш ва театр бинолари қуриш маъсулияти юкланди.

Қурилажак театр бинолари қишки ва ёзги мавсумларга мўлжалланганлиги кўзда тутилади. Бу вазифани уддалаш учун махсус комиссия тузилган. «Бухорода қишлик ва ёзлик мукаммал 2 сахна юзага чиқармоқ учун маориф назорати 4 кишилик ҳайъат ясади... Ҳамза ўртоқ Ҳакимзоданинг лойиҳаси бўйича маориф назорати Бухорода 40 кишилик кучли бир труппа тузишга қарор берди. Труппанинг ярми кўчиб юратурғон (сайёр) ва ярми муқим, Бухорода қолатурғон қилиниб тузилғусидур... Маориф назорати Бухорода 3 йиллик расм мактаби очмоққа қарор берди. Мактабга ҳар вилоятдан 5 нафардан: жаъми 50 нафар талаба (ўқувчи) олинадур... Улар кучидан фойдаланиб, театр декорацияси йўлга қўйиладур»⁹⁸—дейилади хабарларда. Ёш республикада театр труппаларини ташкил этиш учун адиб ва драматург Ҳ.Ҳ.Ниёзий тавсия этган лойиҳадан

⁹⁷ Бухоро Республикаси 9 вилоят, (баъзи манбаларда вилоятлар сони 10 та деб қайд қилинган) 132 кентга бўлинган эди.

⁹⁸ «Бухоро ахбори», 1921 йил 30 июн 41-сон. (Бухорода руқни. 1) Сахна ҳайъати. 2) Театр иши. 3) Расм мактаби).

фойдаланилган. 1921 йилдаёқ Карки вилоятида «Қизил Бухоро» номли 400 ўринли театр биноси қурилиб, 1922 йил 15 январда ишга туширилади. Бу каби театр бинолари Қорақўлда, Шеробод шаҳрида («Уйғон Шарқ»-«Шарқ сахнаси» номли) Кармана шаҳрида, Чоржўйда («Лира» номли), Шаҳрисабзда, Когонда қуриб битказилди⁹⁹. Бухоролик ёш авлод вакиллари орасидан талантли кишилар тўпланиб, театр труппалари юқоридаги номлари зикр қилинган театрларда сахна асарларини намойиш қилганлар. Малакали мутахассис ва артистлар етарли эмасди. Шунга қарамай, ҳаваскор труппалар «Қизил кўшин» (Шерободда), «Қози калон», «Кўҳна Туркистон», «Турсунали Боди» (Қорақўлда), «Жувонбозлик қурбони» (Карминада) каби пьесаларни намойиш қилганлар. Юқорида қайд қилинган пьесаларнинг бир қаторлари ҳатто муваффақиятли чиқиб, халқ вакилларида ижобий тассурот қолдирган. «Қорақўлда 1921 йилда «Қози калон» пьесаси намойиш қилинди. Халқ жуда кўп бўлиб, улар орасида театр шаънига жуда кўп муносиб сўзлар сўйланди. Халқ жуда хурсанд бир ҳолда руҳлари кўтарилиб ўйларига тарқалдилар»¹⁰⁰. Бундан ташқари Қорақўл вилояти театр сахнасида намойиш қилинган уч пардали «Кўҳна Туркистон» ва бир пардали «Турсунали Боди» пьесалари аҳолига баланд руҳ ва нафис санъатдан руҳланиш кайфиятини ато этган.

Театр биноларини очиш ва труппалар ташкил этиш ишлари ҳукумат раҳбари шахсан Ф.Хўжаевнинг диққат-эътиборида бўлган. 1921 йил ёзида Амударё тошқини рўй бериб, бир қатор иншоотлар қаторида Чоржўйдаги «Лира» номли театр биноси ҳам вайрона ҳолатига келган эди. 1922 йил сентябрдан 1923 йил бошларига қадар ушбу театр биноси янгитдан, каттароқ, 800 томошабин сиғадиган қилиб, қурилди. Театр биносида спектакл томошалари билан бирга цирк, расм ва картина намойишларини ўтказиш имкони бўлган. Актёр ва томошабинлар учун буфет (овқатланиш учун ошхона) ҳам иншоот ичида ташкил қилинганди. Ушбу санъат иншоотининг

⁹⁹ «Бухоро ахбори» 1921 йил 13 январь. 19-сон; 27 январь 21-сон; 1 май 34-сон; 1922 йил 21 январь 128-сон; 1923 йил 23 февраль 136-сон; «Озод Бухоро» 1923 йил 17 ноябрь 13-сон; 7 декабрь 21-сон.

¹⁰⁰ «Бухоро ахбори» 1921 йил 27 январь 21-сон. (Бухоро хабарлари руқни «Қорақўлда театр»)

1923 йил 6 февралда очилиш маросимида иштирок этган Ф.Хўжаев: «Ҳокимият халқ билан бирлашган вақтдагина маҳкам бўлажак. Мазкур маърифат юрти халқнинг бирлашишига сабабчи бўлмоғи тегиш. Ҳозиринда бизнинг тубандаги масалаларимиз уч хилдир. Биринчиси мамлакат хўжалигини тартибга солув, иккинчиси шаҳар ва қишлоқларимизни тузатув (тиклаш ва ободонлаштириш), учинчиси урушда зарар кўрган қишлоқларга ёрдам берув»¹⁰¹-каби тарихий сўзларни айтган.

Театр биноларининг очилиши, театр томошалари намоиши кабилар концертлар, спорт мусобақалари, ёш болаларни турли-туман томоша ва ўйинлари билан қўшилиб кетган.

Республикада театр санъатининг ривожига кўп жиҳатдан малакали мутахассислар: режиссёр ва актёрларга, музика ва декорация соҳасидаги етук ходимларга, сифатли пьесалар яратиш ва намоиш қилиш каби омилларга боғлиқ бўлган.

БХСР маориф нозирлиги Бухорода театрни оммавий санъат даражасига кўтариш учун бир қатор чора-тадбирлар кўрган. Тажрибаси каттароқ бўлган «Рус сайёр театр труппалари» ва Туркистон АССР ходимларининг айрим вакиллари Бухорога таклиф этилди. 1921 йилдаёқ Бухоро Республикаси вилоятларида «Москва-рус сайёр труппаси» театр томошалари ва концерт гастролларини ўтказган. Улар билан бирга Туркистон АССР кўчма сайёр труппаси ҳам театр намоишларини ўтказган. Актёр ва режиссёрлардан эса айримларини Бухорода ишлаш учун маориф нозирлиги таклиф этган. 1921 йил 5 апрель Бухородаги театр ва концерт томошасида Туркистоннинг машҳур қизиқчиларидан Юсуф қизиқ¹⁰² ҳам иштирок этиб, мароқли латифалари билан томошага файз қўшганди.

¹⁰¹ «Бухоро ахбори» 1923 йил 23 февраль 136-сон. (Бухоро хабарлари рукни. «Ҳукумат театрининг очилиши»).

¹⁰² Юсуфжон Қизиқ Шакаржонов Саъди Махсумнинг (1809-1889) қизиқчилик мактабидан етишиб чиққан иқтидорли қизиқчилардан бири эди.

Хабарлардан бирида: «Туркистон уруш майдони сиёсий шўъбасининг «ўлка чигатой труппаси» 1921 йил 1 апрелда Эски Бухорода Истиклол майдони(Регистон майдони)да 4 пардали Ҳамза Ҳакимзода асари «Фарғона фожеаси»нинг иккинчи бўлимини ёхуд «Офат қўрғони» пьесасини ўйнадилар... Айниқса, хотун ила қизларни ўйнагон Кузнецова(рус актрисаси) хоним тақдир этарлидур, жуда яхши ўйнади. Халқ жуда таъсирланди. Ҳаттоки, йиғлагонлар ҳам бўлди»¹⁰³-деб ёзилади.

Туркистон Республикасидан Бухорога «Азимжон» театри фаолиятини янгидан йўлга қўйиш ва театр санъатини ривожлантириш учун таниқли режиссёр Абдуманнон Уйғур таклиф этилади. 1922 йил баҳорида «Азимжон» театри биносида театр томошаси кўрсатилаётган бир пайтда ёнгин чиққан. Ёнгин натижасида анча киши ҳалок бўлиб, жароҳат олганлар ҳам бор эди. Яна бир салбий жиҳати шунда эдики, халқ театр томошасига боришдан юрак олдириб қўйганди. Эски Бухородаги «Етимхон» театри ҳамда Регистон майдонидаги ёзги театр томошасига ҳам одамлар бормаи қўйганди. Театр труппаси эса, тарқалиб кетган эди. «Уйғур ўртоқ (Абдуманнон Уйғур) ўз ёнига бир миқдор ёшларни йиғиб, эскиларини («Азимжон» театри актёрларини) ҳам олиб труппа ясади... Уйғур ўртоқнинг бир мунча асарларни муваффақиятли суратда ўйнаб ўтқариши халқимизни яна саҳнага тортди. Кечаларимиз яна жон олди... Уйғур ўртоқ режиссёр эди. У бизга яхши артистлар чиқаришига шак шубҳа йўқ эди. Лекин у Бухорода туролмади-кетди. Труппа тагин тарқалди ёки бошсиз қолди»¹⁰⁴-деб ёзади «Бухоро ахбори».

Маҳаллий театрни кўтариш учун маориф назоратининг «Сиёсий онг-билим тарқатиш (мафкура бўлими)» шўъбасига Туркистон АССРдан таклиф этилган Холмурод исмли (исм ва фамилияси тўлиқ келтирилмаган) санъат арбоби бошлиқ қилиб қўйилади. Басир Нўгаев исм-шарифли татар миллати

¹⁰³ «Бухоро ахбори» 1921 йил 5 апрель 30-сон. (Бухоро хабарлари рукни. Сайёр труппа томонидан театр ва концертлар).

¹⁰⁴ «Бухоро ахбори» 1923 йил 6 июн 172-сон. (Рафиқ. «Саҳнамиз болалар ўйини бўлмасин»).

вакили республика театрларининг бош режиссёри қилиб тайинланади. Ҳатто, Жалил ўғли деган шахс ҳам режиссёр сифатида анча самарали ишлайди. «Азимжон» театрига раҳбарлик қилиш учун рус миллати вакилларида бўлган иккита актёр жалб қилиниб, уларга юқори миқдордаги маош, яъни ойига 100 олтин сўмдан тўлаб турилди¹⁰⁵.

Театр санъати ривожини муסיқа санъатисиз тасаввур қилиш қийин эди. Театр томошаларини муסיқавий жиҳатдан таъминлаш учун мутахассислар тайёрлаш чоралари ҳам кўрилди. 1921 йилда А.Фитрат ташаббуси билан Бухорода бир йиллик муסיқа мактаби очилди. Мактабга 50 талаба (ўқувчи) олиниб, уларга 15 олтин сўм миқдорида стипендия, текин озиқ-овқат, кийим-кечак бериладиган бўлди. Бухоронинг энг машҳур чолғучилари, созандалари, дутор, танбур, най, ғижжак каби муסיқа асбоблари сирларидан болаларга таҳсил беришган. Ўқувчиларга Шарқ нотаси билан бирга Европа кўйлари ҳам ўргатилган. Муסיқа мактаби А.Фитрат ҳовлисида очилиб, унда европалик (рус) муסיқашунослар ҳам дарс берган.

1922 йилнинг ёзида ушбу мактаб ўқувчилари (1 йиллик таҳсилдан сўнг) «Етимхон» театри биносида ўзларининг ҳисобот концертлари ва театр томошаларини намойиш қилишган. Томошада А.Фитратнинг «Ўғизхон» пьесаси намойиш этилади. Бош ролни адибнинг ўзи (Ўғизхон-Бобой роли) маҳорат билан ўйнайди. А.Сулаймон Чўлпоннинг ёзишича, А.Фитратда актёрлик қобилияти ва таланти ҳам кучли бўлган¹⁰⁶.

Чет эл пьесаларини юқори савияда намойишини таъминлаш учун республика маориф нозирлиги «духовой оркестри ўргатадиган дорилмуסיқа курсини ҳам очган»¹⁰⁷. Республиканинг бир қадар осуда кечган 1923-1924 йилларида қишки ва ёзги театр бинолари қуриш ишларига жиддийроқ ёндашилган. «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталарини варақлар

¹⁰⁵ Ўша жойда.

¹⁰⁶ «Бухоро ахбори» 1923й ил 11 декабрь 59-сон. («Қаландар»(Чўлпон). «Театр-томоша»).

¹⁰⁷ «Бухоро ахбори», 1921 йил 18 январь 20-сон (Бухоро хабарлари рукни. «Духовой муסיқа ҳақида»).

эканмиз, ҳукумат маориф нозирлиги ихтиёрига театр ва концерт томошалари уюштириш, янги томошахоналар, клублар қуриш учун маблағлар ажратилганлиги билан боғлиқ маълумотларни учратамиз. Театр биноси қуриш учун тўпланган миллионлаб суммалардаги пуллар ҳақидаги хабарлар юқоридаги фикримизни исботлайди. «Бухоро ва Чоржўйда театр эҳтиёжлари учун 800 млн. сўм миқдорда пул тўпланди. Яқин кунларда ушбу маблағ ҳисобига янги театр ва клублар қурилиши кутиладур»-деб ёзилади газетада. Иккинчи бир хабардан: «Девонбеги масжиди ёнида, «чит-сатин» дўкони олдида қишки саҳна ясаладур. Саҳна ҳамда театр ва торикистон? (киноматография) учун мувофиқ ишланиб, бир ой ичида тамом қилинувига тегиш... Файзулла Хўжа биносида эса тез суръатда қишлик саҳна қилмоқ учун маориф назорати томонидан жиддий чоралар кўрилган. Бир неча кундан сўнг бу ерда театрлар қўйилғусидур»¹⁰⁸-деган фикрларни ўқиймиз

Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати ўзининг қисқа тарихий даврида маънавий маданиятнинг энг нафис соҳаларидан бири бўлган театр санъатини тақомилига ички муаммоларнинг кўплигига қарамай мумкин қадар эътибор қаратди.

Ўз вақтида республиканинг ўзбек тилидаги яккаю-ягона матбуот органи бўлган «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» (1923 йил охиридан) саҳифаларида театр санъати соҳасидаги камчилик ва фойдаланилмаган имкониятларни кескин танқид остига олувчи мақолалар эълон қилинди. «Бухорода театр ва саҳна ишлари» («Сирли»), «Сўнгги сўзим: ўртоқ Қиличзодага жавоб» (Чўлпон), «Саҳна» («Абу Ваража»), «Саҳнамиз болалар ўйини бўлмасин» (Рафиқ), «Томошахоналаримиз аҳволи» (Саид Аҳрорий)¹⁰⁹ каби мақолаларни ўқир эканмиз, театр маданияти билан боғлиқ бир қатор камчиликлардан воқиф бўламиз.

¹⁰⁸ «Бухоро ахбори» 1922 йил, 30 октябрь, 113-сон; 1923 йил, 211-сон (Бухоро хабарлари рукни. «Қишки саҳна»).

¹⁰⁹ «Бухоро ахбори» 1921 йил, 20 март 28-сон; 1922 йил 15 январь 65-сон; 1923 йил 23 февраль 136-сон; 6 июн 172-сон; 16 сентябрь 200-сон.

Юқоридаги мақолалардан Бухорода замон талабларига мос келадиган бирор-бир театр биноси қурилмаганлиги, маориф назоратидаги маблағ тақчиллиги туфайли режалаштирилган ишлар қоғозда қолиб кетганлиги қайта-қайта таъкидланади. «Бухорода... санъати нафиса ишларига айниқса, театр-сахна ишларига сира аҳамият берилмаганлиги кўринадур... бу кунгача (1921 йил бошларига қадар) театр учун бир бино солингон йўқ... сахнани вужудга чиқармоқ ва таъмир этиб тузук бир йўлга қўймоқ учун ҳам хаваскорлар томонидан маориф назоратига борилгонда қаноат қилурлик жавоб ҳам олинмайдур»¹¹⁰.

Театр томошалари ўз вақтида бошланмаслиги, чипталар сотилганда уларда ўринлар қайд қилинмаганлиги, хотин-қизлар ролини эркеклар ўйнаши, театр биноси ичидаги тартиб-интизом бўшлиги, одамларнинг «тамаки тортиши», шовқин суронлар билан томошаларни қаршилаши ҳақида кўп гапирилган. «Театр томошасининг бошланиши томошабинларнинг ғазабнок қўлларини шопилатмоқлари, оёқларини ерга урмоқлари билан боғлиқ... Ўринлар йўқлиги учун «Худо оёқларимга қувват бер» деб туриб сахнани очилгонини кутасан... Ўнг тарафда катта қилиб: «Тамаки тортмоқ мумкин эмасдур!» деб ёзилгон сўзларни оғизлариға попиросларини қошиб, «жуда хушхат экан» деб баҳазур кайф қилувчи ўртоқ афандилар ҳам бисёр... Сахна орасида туриб юрувчилар, парда ортига ўтиб хонимлар билан суҳбатлашғувчилар? ҳам кўпдур»¹¹¹. Кундуз куни турли соҳаларда, иш жойида ва идораларда ишлаган кишилар, бозорларда савдо ишлари ва шовқин-суронлардан безган баъзи кимсалар театрдан санъат сифатида баҳра олиш учун эмас, балки мияларига дам бериш, «гўзал хоним ва гримдаги актёрларни кўриш учун» келганликларини яширмаганлар. Театр санъати эса тарбия мактаби сифатида кишиларда ахлоқий маданиятни ривожлантиришга йўналтирилмоғи керак эди.

¹¹⁰ «Бухоро ахбори», 1921 йил 20 март 28-сон. («Сирли», «Бухорода театр ва сахна ишлади»).

¹¹¹ «Бухоро ахбори» 1922 йил 15 январь 65-сон. («Қаландар», «Сўнги сўзим: ўртоқ Қиличзодага жавоб») 1923 йил 23 февраль 136-сон. («Абу Ваража». Ҳангома рукни. «Сахна»).

Театр томошаларида ўзбек, турк, форс, араб, татар, рус тилларидаги сўзлар қўшилиб, англаб бўлмайдиган «атала пиширилган» тилда сахна асарлари намоёиш қилинган ҳолатлар ҳам бўлган. Бу эса ўрта асрларда кудратли бўлган, XVIII асрдан бошлаб эса таназулга кетган Усманийлар салтанати (Туркия) маданиятидаги инқироз даврига қиёсланган.

Театр сахнасида намоёиш қилинган бир қатор пьесаларда миллий, ахлоқий маданиятимиз мезонларига тўғри келмайдиган жиҳатлар, актёрларнинг ортиқча, бачкана ҳатти-ҳаракатлари танқид қилинади. «Одамга қараб рол бериш, ролларни тегишли равишда ижро этиш, грим, парик, қандай либос кийиш, умуман сахна тузатиш жиҳатидан бўлгон жаъми камчиликлардан кўз юмгон вақтда ҳам кўп камчиликлар бордур... асарга хиёнат қилиш- артистлар томонидан маъносиз гаплар айтиш, кўринишларга муболаға яшаш. Масалан, бир йиқилиш жойига 6-7 дафъа йиқилиш («Боқир Ҳожидан»), бир озгина кўрқиб кўрсатмак учун чой киритганда 15-20 марта дунё силкитиб қалтириш («Ман ўлмишам»да), заҳар ичган вақт: «Сан ич, йўқ сан ич» гапларини керагидан ортиқ чўзиш ва каравотда ётқонни олиб чиққанда ёнига боришга кўрққан бўлиб: «Сан бошидан ман оёғидан, йўқ ман бошидан сан оёғидан тут!»-деган минг мартаба девоналик билан гап сотишлари жаъмиси ғайритабиий эдилар»¹¹²-деб ёзади Рафиқ. Баъзида сахнада рол ижро этаётган актёрларнинг маънавий қиёфаси, артистлик қобилияти ҳам талаб даражасида бўлмаган. Маннон Уйғурдан сўнг «Азимжон» театри бош режиссиёрлигини Чоржўйдан келган Ҳожизода эгаллаб, у сахналаштирган асарлар ҳақиқий турмушдан узоқ бўлиб, мусиқа билан артистлар, актёрлар ҳаракатида уйқашлик бўлмаган. Театр томошаларида ахлоқсиз ҳатти-ҳаракатларни кўрсатишга мойиллик кучли бўлиб, қобилиятли санъаткорларга иккинчи даражали роллар берилган. Гулчехра хонимга ўхшаган талантили актёрлар сахнадан узоқлаштирилган. «Гулчехра хоним ҳолига тўхталсак, мазкур хоним ўзининг ахлоқий

¹¹² «Бухоро ахбори» 1923 йил, 6 июн, 172-сон. (Рафиқ. «Саҳнамиз болалар ўйини бўлмасин»).

қобилияти, ўзбек тилини яхши билиши ва Бухоро сахнасига руҳ бериши билан шу вақтгача бўлган артистларимизнинг барчасидан юқори турғон ҳолда, сўнгги вақтда у ҳам ярамас бўлиб борадур. Хаста бўлиб бир репетицияга келмағони учун мазкур хонимнинг бошига (Ҳожизода) қиёмат кўпорғондур»¹¹³.

Театр сахнасида «Жўр-жўр», «Балли бадай», «Ман ўлмишам» ва «Боқир ҳожи»дек маъносиз ва «юз марта кўрилган» пьесаларнинг қўйилиши театрда халқни бездириши, ҳамда ҳақиқий талантларни иждоддан узоқлаштириши табиий бир ҳол эди.

Шунинг учун маърифатпарвар Саид Аҳрорий 1923 йилда ўқинч билан: «Бухорода қандай бўлса ҳам ишсиз қолғон ҳар бир киши артистдур. Пьесалар турмушимизда келишмагон каби тиллар ҳам аралаш тилдур... Билинмайдурки, ўйин асносида артистлар қайси тил билан сўзлашадурлар... пьесалар на мавзу жиҳатдан, на қалам жиҳатдан ва на ахлоқ ибрат жиҳатдан ҳеч бир қиммати йўқдур... Хулоса, сахнамиз бир ибратхона эмас, балким ахлоқсизликни амалий суратда ўрганадурғон бир сафолатхона бўлди»¹¹⁴-деб ёзганди.

С.Аҳрорий, А.С.Чўлпон, А.Фитрат сингарилар Бухоро Халқ Совет Республикасидаги театр билан боғлиқ аҳволни таҳлил қилар эканлар, театр санъатини энг зарурий маънавий эҳтиёжга айлантириш зарурлигини кўзда тутганлар. Сахнага чиқадиган актёрларнинг маънавий қиёфаси, касбий қобилияти, ижро этаётган ролига шахсий мувофиқлиги каби жиҳатлар муҳим аҳамиятга эгалиги улар томонидан куюнчаклик билан ёзилади. Мақолаларда театр учун ёзилган пьесаларнинг ахлоқий ва маънавий аҳамияти, юқори бадиий савияда бўлиши, улар ижросида ўзбек тилининг софлигини сақлаш мезонлари кабилар ҳам алоҳида эътиборга олинган.

¹¹³ Ўша жойда.

¹¹⁴ «Бухоро ахбори», 1923 йил, 16 сентябрь. (С.Аҳрорий. «Томошахоналаримизнинг аҳволи»).

Узоқ тарихий ўтмишга эга «катталар мактаби» ҳамда «тарбия ўчоғи» бўлган энг нафис санъатлардан бири театр санъати билан боғлиқ Бухоро Республикаси ҳукуматининг фаолияти ва бу соҳадаги гарчи интиҳосига етказилган бўлмасда, амалга оширилган ишлар бугунги авлод учун тарихий сабоқ бўларлидир. Зероки, ўтмишни чуқур ўрганиб, ундан тегишли сабоқлар чиқариш келажагимиз йўлини ёритади.

3.2. БХСР йилларида фаолият юритган маданий-оқартув муассасалари: мақсад, вазифалари ва мафкуравий ташвиқотлар юритишдаги ўрни

Республиканинг дастлабки йиллариданоқ маданият муассасаларидан театр, кутубхона, қироатхона, музей, клуб, чойхона, болалар боғчаси ташкил этиш билан боғлиқ амалий вазифалар бажарилган. Газеталарнинг маълумотича, маданият муассасалари халқ маорифи нозирлиги тасарруфига берилиб, ушбу нозирлик томонидан қатъий назорат остига олинган.

Музей-ҳар бир халқ ёки миллатнинг тарихидан авлодларга хабар берувчи маънавий хазина. Мамлакатнинг ўтмиши ҳамда ҳозирини тасаввур қилиш учун музейлар улкан бир мактаб ва дарсхонадир. Тилсиз, тилсимли тарих илмининг бир бўлаги бўлмиш музейлар, улардаги асори-атикалар аждодлар билан авлодларни мустаҳкам боғловчи бир риштадир. Матбуот органларининг биридан: «Ҳар нимаки эски нарса бўлиб, мамлакат ва халқнинг урф-одатига, турмушига, уруш ва мудофаа ишларига, тил ва адабиётига, илму-маорифига оид бўлса шундай нарсалар ҳаммаси асори-атикага киради», -тарзидаги содда, барчага тушунарли таърифни ўқиймиз.

Миллатимизнинг жонкуяр фидойилари, истиқлол курашчилари бўлган Ф.Хўжаев, А.Фитрат, Ато Хўжа, А.Муҳиддинов, Қори Йўлдош Пўлатовлар Бухоро Республикаси йилларида (1920-1924 йиллар) бой моддий ва маънавий

маданиятимизни асраш, келажак авлодларга етказиш йўлида озмунча куч сарфламадилар. Бухоро Республикаси ҳукуматининг дастлабки кунлари ва ойларида бошлаб, асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келадиган эски китоблар ва асори-атиқаларни тўплаш, уларни мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетишга йўл қўймасликка қаратилган чора-тадбирлар қўрилди ва бир қатор буйруқлар чиқарилди. 1920 йил 17 сентябрдаги Бухоро Нозирлар Шўросининг буйруғида: «Бутун Бухоро мамлакатларидаги эски ҳукумат маъмурларидан қолган эски ва янги китоблар маориф назоратига топшириладур. Шул китобларни кўрмак ёки сотиб олмақчи бўлғонлар маориф назоратидан ижозат олмақлари керакдур. Хусусий кишиларда эски китоблари бўлиб сотмоқчи бўлсалар четга чиқармасдан маориф назоратига келтириб, ўз баҳосида оқчасини олсунлар ва шул юқоридаги ёзувларга қарши келганларга жазолар ила ҳукмга бериладур»-дейилганди. Ҳукумат ўтмишдан мерос бўлиб қолган мадрасаларга, китоб ва ўқув-ёзув асбобларига, асори-атиқаларга эгалик қилиш, уларни бир жойга тўплаш вазифасини маориф нозирлиги зиммасига юклаб қўйганди. Шунинг учун ўлка маданиятига оид асори-атиқа ва санъат асарларини тўплаш мақсадида маориф нозирлиги қошида «тарихий асори-атиқа шўъбаси» ташкил қилинганди.

Маориф нозирлигининг 1920 йил 20 декабрдаги буйруғидан: «Агар Бухоронинг ўлка маданиятига оид асори-атиқа ва санъат нафис асбоблари бўлса, маориф назоратидаги тарихий асори-атиқа шўъбасига келтириб топширсинлар. Маориф назорати ҳар асбобнинг қимматига қараб пулини берадур. Бундоқ асбобнинг қўлдан-қўлга ўтиб, сотилиб юрилиши қатъий мумкин эмас! Четга чиқармоқ ҳам қатъий мумкин эмас!»-мазмундаги фикрларни ўқиймиз.

Маориф назоратининг шахсан нозир бошчилигидаги «тарихий асори-атиқа шўъбаси» икки йил давомида ғайрат билан самарали ишлади. 1920-1922 йиллар давомида бир музей ташкил қилиб, унда намоёйиш қилишга арзирли, етарли бўлган кўҳна тарихимиздан садо берувчи ашёвий

материаллар тўпланди. 1922 йил 8 ноябрда Бухоро Республикаси ҳукуматининг собиқ биносида ўша пайтдаги Нозирлар Шўроси раиси Ато Хўжа, Маориф нозирлигидаги мутасадди раҳбарлар, Россиянинг Бухоро Республикасидаги ваколатхонаси бошлиғи Соколов ҳамда халқ вакиллари иштирокида Бухоро музейининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Музейни очиш маросимида Ато Хўжа: «Бухорода бир музахона (музей) очилишини кўрмак, илк буюк тилакларимиздан биридур. Бу кун шу муқаддас тилагимизнинг вужудга чиқишини кўриб жуда хурсанд бўлдик»-деганди. Маориф нозирининг муовини М.Махзум эса: «Музахона бир тарихдур. Музахона бир дарсдан иборатдур. Бир миллатнинг авлоди шуни томоша қилиб боболарнинг аҳволидан дарс ўқур. Бир мамлакатнинг тарихини билмак учун музахонадан ортиқ бир тарих китоби бўлмас»-мазмундаги жозибадор фикрларни билдирганди. Соколов рус ваколатхонаси ихтиёрида очилган «Файзулла Хўжаев» номли қироатхона-(кутубхона) ҳисобидан музейга қўйиш учун айрим китоблар берганди.

Музей очилиши ўша пайтда муҳим тарихий воқеа бўлиб, унга ташриф буюрувчиларнинг сон-саноғи бўлмаган. Мазкур хайрли ишни амалга ошириш осон бўлмаганди, албатта. Тарихдан маълумки, ҳамиша янгиликнинг илк кашфиётчиси ва биринчи асосчиларига қийин бўлади, лекин айнан шу каби шахсларнинг исм-шарифи кўп эъзозланади ва хотиралардан мустаҳкам ўрин олади. Бухоро музейи очилиши маросимида муаллимлардан бири Назир афанди сўз олиб: «Музахонага (музейга) «Қори Йўлдош музахонаси» деб ном берсак тўғри бўладур»-деган таклиф киритди. Ушбу таклиф барча томонидан маъқулланди. Қори Йўлдошнинг ўзи эса маросим охирида камтарлик билан: «Биз бу йўлда ғоят оз ишлаб, кичик бир нарсая майдонга келтирдик. Халқимизнинг бой ўтмиши, ота-боболардан бизга қолган маданий мероси ўнлаб музейларга сиғмайдур»-деган тарихий сўзларни айтганди.

Ҳурматли ўқувчи, биз сизни Бухородаги музейнинг очилиши билан боғлиқ воқеалардан бир оз бўлсада хабардор қилдик. Тарихимиз кўзгуси бўлган илк музейнинг ташаббускори, ғайратчан, миллатпарвар шахс Қори Йўлдош Пўлатов ҳақида ҳам бироз маълумот бермасак адолатдан бўлмайди. Ҳақиқатдан ҳам музейга Қори Йўлдош Пўлатов номи берилганлиги бежиз эмасди. Изоҳ сифатида шуни таъкидлаш ўринли бўлардики, ўша пайтда ҳар бир очиладиган янги муассаса, корхона ёки қурилажак шаҳарга давлат ва ҳукумат раҳбарларининг номини бериш одат тусига кирганди. Марказдагилар шундай анъанани жорий қилишганди.

Юқоридаги салбий жиҳатдан қатъий назар Қори Йўлдош Пўлатов эъзоз ва юксак ҳурматга сазовор инсон эди. У Бухоро Республикасида 1920-1922 йилларда Маориф нозири лавозимида ишлади. Ҳозирги Туркменистон Республикасининг Карки шаҳрида 1890 йилда таваллуд топган, 8 йил мадраса таълимини олган, 1910 йилда жаидчилик ҳаракатига қўшилган, 1919 йилда эса Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган, Ф.Хўжаев билан Тошкентда «Учкун» газетасини чиқарган. Қори Йўлдош Пўлатов катта ҳаётий тажрибага эга шахс бўлган. У Бухоро Республикаси маориф нозири, «Бухоро ахбори» газетасининг бош муҳаррири, муҳофаза нозири лавозимларида ишлади, «Мактаблар ҳақида янги қоидалар»ни ишлаб чиқди, Бухоро ёшларини Германия ва Туркия каби хорижий мамлакатларга ўқишга юборишни ташкил этди. «Бухоро ахбори» саҳифаларида «Йўл хотиралари», «Доҳилий курсга ёзилингиз», «Солиқ ҳақида бир-икки сўз», «Муҳим вазифамиз», «Порахўрлик билан кураш» каби ўнлаб асар ва мақолалар билан чиққан Қ.Й.Пўлатов қобилиятли матбаачи ва ношир ҳам эди. Бу ўринда ўқувчининг диққатини иккита воқеага жалб қилмоқчимиз. Қ.Й.Пўлатов 1922 йил баҳорида Москвага борганида қайтишда ўзи билан «цинкография»-матбуот учун зарур бўлган аксилхона (расмхона) аппаратини келтиради. Энди Бухоро Республикасининг ягона матбуот органи бўлган «Бухоро ахбори» газетаси турли-туман фотосурат ва расмлар билан чиқа бошлайди.

Германияга Бухоро талабалари ҳолидан хабар олиш учун сафар қилганида эса, мусулмонча ҳарф териш машинасини олиб келган. Мақсад, Бухорода замонавий типографияга асос солиш эди. Хориждан матбаачи мутахассислар Бухорога таклиф этиб, бир ой давомида ҳарф териш машинаси ишга туширилади. Афсуски, Қозондан (Татаристон) Бухорога таклиф этилган 14 та ношир ва матбаачи мутахассисларнинг қисқа вақтда 9 таси «Бухоро варажаси» касали билан ҳаётдан кўз юмади.

Қ.Й.Пўлатов асори-атиқаларни тўплаш учун республика ҳудудини кезиб чиқди, халқимиз орасида уларни хайрли ишга жалб этишга қаратилган нутқлар сўзлади. Хуллас, елиб-югурди. У ҳақиқий миллатпарвар эди. Профессор Наим Каримовнинг ёзишича, 1924-1929 йилларда Ўзбекистон ССР ҳукуматида молия вазири лавозимида ишлаган Қ.Й.Пўлатов ўзига берилган енгил машинани сотиб, пулига ўзбек молия ходимлари учун махсус курслар ташкил этган. «Менга машина эмас, миллий кадрлар керак!»-деган. 1937-1938 йиллар қатағони туфайли бу табарруқ инсон 10 йил Магаданда (1937-1947), 5 йилу 8 ой (1949-1955) Красноярск ўлкасининг Игорька қамоқхонасида тутқунлик азобларини бошидан кечирди. Қамоқлардан қайтганидан кейин Чиноз туманидаги (Тошкент вилояти) 15-совхозда қоровул бўлиб ишлади. Унинг фарзандлари кўркув ва исканжаларга олинишлари туфайли ўз оталаридан воз кечишди. Умрининг сўнгги йилларини Каркида касалманд укаси билан бирга ўтказиб, 1965 йилда ҳаёт билан видолашди. Қ.Й.Пўлатовни эса «ўз тўшагида ўлган бирдан-бир жадид» дейдилар. Лекин советлар давридаги тутқунлик ва қамоқ азоблари, озодликка чиққандан кейинги хўрликлар унинг учун «тирикликдаги дўзах»да умр кўриш бўлди, десак хато қилмаймиз. Истиклолимиз шарофати билан ноҳақ қатағонга учраган ва шаҳид кетганларнинг муборак номлари тикланди. Қ.Й.Пўлатовнинг ҳаёт йўли ва фаолияти, айниқса, бухороликлар учун кадрлидир. Чунки Бухоро тарихи, матбуоти, халқ маорифи, музейшунослиги соҳалари ривожига бу ватанпарвар, элпарвар инсоннинг хизматлари

бекиёсдир. Қ.Й.Пўлатовлар Бухорода яшаб ишлаган ўша суронли йиллардан ҳам қарийб бир аср ўтаяпти. Қ.Й.Пўлатовнинг саъй-ҳаракати билан олиб келинган цинкография («аксилхона»), «Мусулмонча ҳарф териш машинаси» кабилар ҳам музейларимизни биридан жой олса миллат ўтмиши ва маданиятидан хабар берувчи асори-атикага айланса (албатта сақланган бўлса) деган истагимиз бор эди. Бу эса бир пайтнинг ўзида юртдошларимизга тарихимиздан хабар бериш баробарида Қори Йўлдош Пўлатовнинг ҳам ёрқин хотирасини эслатиб турарди.

ХУЛОСА

Тадқиқотнинг хулосасида қуйидаги ҳолатларни таъкидлаб ўтишни лозим топдик:

Тадқиқот натижаси сифатида газета ва хорижий журналларнинг салмоқли мақола ва хабарлари БХСРдаги маориф ва маданият муаммоларига қаратилганлиги аниқлаштирилди. Янгича, ўз даври талабларига жавоб берадиган уч босқичли: бошланғич, ўрта ва олий таълимни йўлга қўйиш, дунёвий билимлар берадиган таълим тизимини яратиш йўлидаги амалга оширилган ишлар ва истиқболда режалаштирилган вазифалар газеталарда мунтазам ёритилганлиги юқоридаги фикрларга далилдир. Айниқса, 1920-1921 йилларда эълон қилинган материалларда республика маориф тизимини шакллантириш жараёни, саводсизликка қарши кураш тадбирлари, маданий оқартув муассасаларини очилиши ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилинди. Тадқиқотда БХСРдаги театр, кутубхона, музей, мусиқа мактаби, клуб, чойхона, касалхона, дорихона, миллий боғ, дам олиш маскани каби янги ташкил қилинган муассасалар тўғрисида кўплаб маълумотлар келтирилди. Мазкур маълумотлар орқали турли-туман маданий муассасаларга асос солинганлиги билан боғлиқ саналар, улар фаолияти йўналишларининг мақсад ва вазифалари аниқ далилий рақамларда ўрганилди.

XX асрнинг дастлабки ўн йилликлари Бухорода сиёсий ва ижтимоий жараёнларнинг кескин кечганлиги, узоқ йиллар давомида ҳукмронлик қилиб келган амирлик тузумининг ағдарилиши билан боғлиқ муҳим воқеа билан характерланади. Бухоро амирлигининг сўнгги йилларида жадидчилик ҳаракатининг кучайиши натижасида озодлик ғояларини тарғиб қилишнинг омили бўлган матбуотчилик юзага келди. Бухоронинг дастлабки матбуоти сифатида “Бухоройи шариф” ва “Турон” газеталари чоп этилди. Тадқиқотда ушбу газеталар кейинги йилларда маҳаллий матбуотчиликни ривожланишига муҳим омил бўлганлиги билан боғлиқ фикрлар баён қилинди.

Тарихнинг барча босқичларида даврий матбуот ўз замонасининг воқеаларини ҳозиржавоблик билан акс эттирувчи кўзгу бўлган. Жумладан, БХСР миқёсида ўзбек тилида мунтазам чоп этилган матбуот нашрлари ҳисобланган “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари тарихий манба бўлиб, уларда БХСРнинг дастлабки кунлариданоқ республика ҳаётида кечган барча жараёнлар батафсил ёритилган. Мазкур матбуот органларида ҳукуматнинг қарор ва буйруқлари, ҳукумат таркиби, давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг эълон қилиб борилганлиги 1920-1924 йиллар тарихини хронологик изчилликда ўрганишга ёрдам беради. Тадқиқотда газета таҳририяти фаолияти, нашриёт соҳасидаги ютуқ ва муаммолар таҳлил қилинди.

Тадқиқотда маҳалий газеталар Саид Аҳрорий, Абдулҳамид Чўлпон, Қори Йўлдош Пўлатов муҳаррирлик қилган даврларда таъсирчан кучга ва оммавий матбуот нашрларга айланганлиги исботланди. Юқорида исми-шарифлари зикр қилинган тарихий шахсларнинг матбуотчилик соҳасидаги фаолияти имкон қадар бирламчи манбалар асосида очиб берилди.

Тадқиқотда хорижий журналларда фаолият юритган бир неча ватандошларимизнинг публицистик мақолалари таҳлил қилинди ва ўрганилди.

Диссертациядаги таҳлил ва хулосаларга таяниб қуйидагилар **тавсия** қилинди:

-БХСРнинг маданияти ва маорифи тизимида муҳим рол ўйнаган вақф ва вақф мулклари муаммосини алоҳида тадқиқотда ўрганиш эҳтиёжи мавжуд.

-“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари, шунингдек, хорижий нашрлардан бири “Ёш Туркистон” журнали асосида “БХСРда маориф ва маданият” мавзусида илмий ишлар эълон қилиш мумкин.

-“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарининг таҳламларида БХСР ҳукумати аъзолари ва ўз даври муҳаррир-мухбирларининг маориф ва

маданиятга оид муаммоларга бағишланган салмоқли мақолалари мавжуд. Бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган бу каби мақолаларни амалдаги имлога ўгириб, изох ва тузатишлар билан алоҳида китоб ҳолатида чоп этиш манбашуносликнинг истиқболдаги вазифаларидан биридир.

-“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида чоп этилган маданият ва маориф мавзуларига доир мақола, хабар ва бадиий рукндаги материалларни хронологик кетма-кетлик асосида библиографиясини тузиш манбашунослик муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчиларга амалий ёрдам берарди.

-Хорижда чоп этилган “Ёш Туркистон” ва “Янги Туркистон” номли мабуот органларини тарихимизнинг XX аср 20-30-йилларини иқтисодий-сиёсий соҳаларини ўрганиш манбаси сифатида тадқиқот амалга ошириш имконияти мавжуд

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари:

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.-326б.
2. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.-687б.
3. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Ўзбекистон, 1998. -32б.
4. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2001. -432 б.
5. Каримов. И. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. -Т.: Ўзбекистон. 2003. -320 б.
6. Каримов И. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -445 б.
7. Каримов И. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли /Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза. 2007 йил 30 август. -Т.: Ўзбекистон, 2007. -48 б.
8. Каримов И. Юксак маънавият -енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -176б.

Даврий матбуот

Газеталар:

13. Бухоро ахбори (Эски Бухоро). 1920-1923.

14. Озод Бухоро (Янги Бухоро). 1923-1930.

Журналлар:

21. Yas Turkistan (Париж-Берлин). 1929-1939.

Адабиётлар

26. Айний С. Кўрсунлар ва эшитсунлар //Бухоро ахбори. 210-сон. 1923 йил 5 октябр.

28. Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим /Асарлар. 8 томлик. -Т.: Ўздавадабийнашр, 1963. Т.1. -Б. 17-104.

29. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар /Асарлар. 8 томлик. -Т.: Ўздавадабийнашр, 1963. Т.1.-Б. 181-355.

30. Алиев А. (Аббос Алиев). Тарғибот ва ташвиқот ишларининг турмушда аҳамияти //Бухоро ахбори. 156-сон. 1923 йил 14 апрел.

33. Алиев С. Чўлпон наздида Бухоро //Бухоро ҳақиқати. 1997 йил 20 декабр.

34. Алимова Д. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления реформы, борьба за независимость. -Т.: Узбекистан, 2000. -24 с.

35. Алимова Д., Голованов А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари. 1917-1990 йиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -70 б.

36. Алимова Д., Мустафоева Н., Ражабов Қ. Тарихга мурожаат холисликни талаб этади //Ўзбекистон тарихи. -Т.: 2004. -№3. -Б. 70-81.

39. Амонов У. “Бухоройи шариф” рўзномасини ўқиб... //Педагогик маҳорат. - Бухоро, 2007. -№1. -Б. 50-51.
43. Аҳмадов (Аҳмад Аҳмадов). Тўртинчи курултойга ҳозирланинглар! //Бухоро ахбори. 191-сон. 1923 йил 18 август.
44. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилиқ қурилиши тажрибаси. -Т.: Маънавият, 2000. -168 б.
45. Бекбой. Маориф ишлари теграсида //Бухоро ахбори. 55-сон. 1921 йил 17 ноябр.
46. Бекбой. Яна мактаб масаласи //Бухоро ахбори. 64-сон. 1922 йил 11 январ.
48. Бекбой. Матбуот нимадур? //Бухоро ахбори. 136-сон. 1923 йил 23 феврал.
49. Бобожонова Ф. XIX аср охири-XX аср бошларида Бухоро амирлигида мадраса тизими //Педагогик маҳорат. -Бухоро, 2007. -№2. -Б. 32-33.
50. Бухоро тарихи масалалари /Мақолалар тўплами. -Бухоро: Бухоро, 1996.- 203б.
51. Бухоро: тарих саҳифалари /Мақолалар тўплами. Бухоро: Бухоро, 1999.- 184б.
52. Валидий, Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлингани бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар /Бошқирд тилидан Турдиев Ш. таржимаси. -Т.: Адолат, 1997. -280 б.
53. Васильева Е. “Озод Бухоро” ҳақида //Бухоро ҳақиқати. 1990 йил 26 апрел.
54. Генис В. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году //Вопросы истории. 1993. -№ 7. -С. 39-53.
57. Дўстқораев Б. Чўлпон: газета - еттинчи давлат //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2004 йил 22 октябр.
58. Дўстқораев Б. Бухорода миллий матбуотнинг юзага келиши //Маърифат. 2008 йил 21, 25, 28 июн, 2 июл.

59. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар) /Даврий тўплам. -№ 1. -Т.: Университет, 1999. -218 б.
60. Жўрабоев. Марказий зироат назорати тарафидан баённома //Бухоро ахбори. 86-сон. 1922 йил 27 май.
61. Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар /Танланган асарлар. Тўпловчи Турдиев Ш. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. -Б. 14-115.
65. Зиё Усманий. Матбуотимиз нима учун юксалмайдур? //Бухоро ахбори. 83-сон. 1922 йил 9 май.
66. Зиё Усманий. Босмачилик ҳаракатига қатъий зарба //Бухоро ахбори. 88-сон. 1922 йил 29 июн.
67. Златопулская. Чечак касали //Озод Бухоро. 13-сон. 1923 йил 18 ноябр.
70. Зияева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати: мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918-1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. -176 б.
71. Илёсова. Озод мамлакатда қул бўлмаслигига тегиш //Бухоро ахбори. 82-сон. 1922 йил 4 май.
81. Йўлдошев Н. Матбаа ва матбуот тарихидан //Бухоро ҳақиқати. 1990 йил 15 август.
82. Каримов Р., Раджабов К. Политическая и экономическая ситуация в Бухарской Республике (1920-1924 гг.) //Истории Узбекистана (1917-1991гг.) -Т.: Шарк, 2002. -С. 63-70.
83. Лазиз Азиззода. Ҳамма нарса билим учун //Бухоро ахбори. 30-сон. 1921 йил 5 апрел.
84. Лазиз Азиззода. Бухоро уламози ва қурултойлар //Бухоро ахбори. 18-сон. 1921 йил 27 январ.

85. Мажид Ҳасаний. Файзулла Хўжаев. -Т.: Ўзбекистон, 1990. -204 б.
92. Маҳмуд Саид Аҳрорий. Тўртинчи инқилобий йилимиздан нималар кутамиз? //Бухоро ахбори. 199-сон. 1923 йил 9 сентябр; 200-сон. 1923 йил 12 сентябр.
93. Маҳмуд Саид Аҳрорий. Томошахоналаримизнинг аҳволи //Бухоро ахбори. 200-сон. 1923 йил 12 сентябр.
94. Маҳмуд Саид Аҳрорий. Давлат ишларида ерлиларга ёрдам этилсун! //Озод Бухоро. 17-сон. 1923 йил 28 ноябр.
95. Маҳмуд Саид Аҳрорий. Қиш келди, товушсизлар қотмасун //Озод Бухоро. 30-сон. 1923 йил 26 декабр.
96. Маҳмуд Саид Аҳрорий. Тарих ва осори-атика: Исмоил Сомонийнинг сағанаси //Озод Бухоро. 146-сон. 1924 йил 27 сентябр.
97. Маҳмуд Саид Аҳрорий. Танланган асарлар /Тўплаб нашрга тайёрловчи Холида Аҳророва. -Т.: Маънавият, 2001. -101 б.
98. Маҳмуд Субоҳ. Юзни ювмоқ билан оқартмоқ каби қалбни ўқумоқ билан оқартмоқ керак! //Бухоро ахбори. 104-сон. 1922 йил 22 октябр.
99. Маҳмуд Субоҳ. Тил масаласи //Бухоро ахбори. 107-сон. 1922 йил 2 ноябр.
100. Маҳмуд Субоҳ. “Қори Йўлдош” музахонаси //Бухоро ахбори. 109-сон. 1922 йил 12 ноябр.
101. Маҳмуд Субоҳ. Маориф йўлида //Бухоро ахбори. 112-сон. 1922 йил 23 ноябр.
102. Маҳмуд Субоҳ. Бехбудий кечаси //Озод Бухоро. 74-сон. 1924 йил 10 апрел.
103. Маҳмуд Субоҳ. Ҳукумат муассасаларида ишлагувчи тотор аҳолиси диққатиға! //Озод Бухоро. 155-сон. 1924 йил 22 октябр.
112. “Мусофир”. Бухорода биринчи музахонанинг очилиш маросими //Бухоро ахбори. 112-сон. 1922 йил 23 ноябр.

113. “Мусофир”. Муфти Махмуд Бехбудий ва рафиқларининг қасди олинди //Бухоро ахбори. 209-сон. 1923 йил 3 октябр.
114. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар) /Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир Алимова Д. -Т.: Шарқ, 2000. -432 б.
116. Мустақим. Чоржуйда маориф ишлари //Озод Бухоро. 32-сон. 1923 йил 29 декабр.
117. Мустақим. Янги дорулмуаллимин тўғрисида //Озод Бухоро. 64-сон. 1924 йил 21 март.
118. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеий /Тоҷик тилидан Воҳидов Ш ва б. таржимаси). -Т.: Академия, 2001. -122 б.
122. Муҳиддинов Абдулқодир. Тилимиз ва маориф назорати //Бухоро ахбори. 35-сон. 1921 йил 10 май.
126. Наимов Н. Мен яшашни истайман (роман-хроника). -Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 1994. -326 б.
127. Naimov N. Fitrat fojiasi (Tarixiy qissa). -Т.: Fan, 2005. -167 b.
128. Naimov N. Songgi hukmdor (Tarixiy qissa). Buxoro, 2008. -170 b.
129. Орипов (Абдулҳамид Ориф). Фирқа курултойи //Бухоро ахбори. 22-сон. 1921 йил 1 феврал.
130. Орипов (Абдулҳамид Ориф). Бухоро Шўролар Жумҳурияти //Бухоро ахбори. 29-сон. 1921 йил 29 март; 30-сон. 1921 йил 5 апрел; 31-сон. 1921 йил 13 апрел; 33-сон. 1921 йил 23 апрел; 34-сон. 1921 йил 1 май.
133. Остонқул. Яна мактаб масаласи //Бухоро ахбори. 108-сон. 1922 й. 5 ноябрь.

134. Остонқул. Босмачилар учун қатъий тадбир //Бухоро ахбори. 89-сон. 1922 йил 8 июл.
140. Оқчурун (Олимжон Оқчурун). Халқ маорифи //Озод Бухоро. 102-сон. 1924 йил 12 июн; 104-сон. 17 июн; 106-сон. 24 июн.
141. Полвонниёз Ҳожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи /Нашрга тайёрловчи Матниёзов М. -Урганч, 1999. -340б.
142. Пуздинишев. Бизнинг газетамиз қандай бўлишга тегиш //Бухоро ахбори. 167-сон. 1923 йил 7 май.
143. Пуздинишев. БКП аъзоларини ҳисобга олиш //Озод Бухоро. 22-сон. 1923 йил 11 декабр.
144. Пўлатов (Қори Йўлдош Пўлатов). Маориф ишлари тўғрисида //Бухоро ахбори. 56-сон. 1921 йил 26 ноябр.
145. Пўлатов (Қори Йўлдош Пўлатов). Халқ ҳукумати //Бухоро ахбори. 105-сон. 1922 йил 26 октябр.
146. Пўлатов (Қори Йўлдош Пўлатов). Мустақил бир мамлакат қандай бўлур? //Бухоро ахбори. 107-сон. 1922 йил 2 ноябр.
152. Ражаббой Отатурк. Юракдаги Бухоро. -Т.: Маънавият, 1996. -239 б.
153. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924 йиллар). Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар /Даврий тўплам. № 2. -Т.: Шарқ, 1999. -Б.149-158.
154. Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917-1935 йиллар). -Т.: Ўзбекистон, 2000. -32 б.
158. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар) /Ўқув қўлланма. -Т.: Университет, 2002. -168 б.

159. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Совет Республикаси /ЎзМЭ. 2-жилд. -Т., 2001. -Б.299-302.

160. Ражабов Қ., Эргашев О. Бухоро воҳасида яшовчи бойлар ва уламоларнинг қатағон қилиниши //Бух ДУ илмий ахборотлари. -Бухоро, 2008. № 3. -Б.13-18.

Ражабов Қ. Файзулла Хўжаев (тарихий рисола). Тошкент. 2011.

163. Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси. -Бухоро: Бухоро, 2003. -99 б.

164. Рашидов У., Рашидова Л. Бухоро амирлигида жаидчилик ҳаракати ва унинг шаклланиш омиллари /Из истории культурного наследия Бухары. (10 выпуск). -Бухара: Бухара, 2006. -Б.81-84.

168. Раҳмат Рафиқ. Саҳнамиз болалар ўйини бўлмасин //Бухоро ахбори. 172-сон. 1923 йил 6 июн.

169. Раҳмат Рафиқ. Тўртинчи курултойда ер-сув масаласи //Озод Бухоро. 6-сон. 1923 йил 31 октябр.

170. Раҳмонов К. “Бухоро ахбори” газетаси - Бухоро Республикаси матбуот органи //Жамият ва бошқарув. -Т., 2004. № 2. -Б.44-46.

180. Раҳмонов К. Соғлиқни сақлаш муаммоларининг даврий матбуотдаги талқини //Жамият ва бошқарув. -Т., 2006. (махсус сон), -Б.115-117.

181. Раҳмонов К. Файзулла Хўжаевнинг Берлидан Бухорога мактуби //Бухоро мавжлари. -Бухоро, 2008. № 1. -Б.34-35.

182. Раҳмонов К., Ҳайитов Ж. Бухорода маҳаллий матбуотнинг вужудга келиши тарихидан (XX асрнинг биринчи чораги) //Бух ДУ илмий ахборотлари. -Бухоро. 2008. № 3. -Б.24-28.

183. Рисқулов Турор. Германияда Ўрта Осиё талабалари //Озод Бухоро. 25-сон. 1923 йил 16 декабр; 26-сон. 19 декабр.

185. Саиджонов (Мусожон Саиджонов). Бухоро халқ маорифи (Тўртинчи курултойдаги маъруза) //Озод Бухоро. 4-сон. 1923 йил 25 октябр.
186. Саййид Мансур Олимий. Бухоро-Туркистон бешиги /Форс тилидан таржима, таржимон номидан сўзбоши ва айрим изохлар муаллифи Тўраев Ҳ. -Бухоро, 2004.
- Сафаров О. ва б. Чўлпон Бухорода. Бухоро-2013.
189. “Сирли”. Бухорода театр ва сахна ишлари //Бухоро ахбори. 28-сон. 1921 йил 20 март.
190. Сулаймон Али Бой ўғли. Бухорода пахтачилик //Бухоро ахбори. 210-сон. 1923 йил 6 октябрь.
194. Сулаймонов (Фотих Сулаймонов). Маориф ва вақф ишларимиз //Бухоро ахбори. 205-сон. 1923 йил 23 сентябр.
195. Сулаймонов (Фотих Сулаймонов). Қурултой нималар берди //Озод Бухоро. 2-сон. 1923 йил 19 октябр.
196. Темур Бой. Германияда Бухоро талабаси //Бухоро ахбори. 144-сон. 1923 йил 17 март.
197. Темур Бой. Муаллимлардан бир товуш //Бухоро ахбори. 155-сон. 1923 йил 12 апрел.
199. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. -Т.: Фан, -1991. -70 б.
200. Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан /Илмий мақолалар тўплами. -Т.: Фан, 1996. -138 б.
202. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917) /Тузувчи Абдуазизова Н. -Т.: Академия, 2000. -238 б.
203. “Туркман кизи”. Каркида хотун-қизлар мактаби //Озод Бухоро. 24-сон. 1923 йил 15 декабрь.
204. “Турк ўғли”. Адабиёт керак, адабиёт! //Бухоро ахбори. 137-сон. 1923 йил 1 март.

205. “Турк ўғли”. Мамлакатнинг осори-атиқаси йиғилсун. Осори-атиқа нимадур //Бухоро ахбори. 149-сон. 1923 йил 31 март.
206. Файзулла Хўжа. Кунтуғди //Бухоро ахбори. 1-сон. 1920 йил 9 сентябр.
207. Файзулла Хўжа. Бухоро Жумҳурияти ва туркманлар қурултойи //Бухоро ахбори. 36-сон. 1921 йил 17 май.
208. Файзулла Хўжа. Хотирамда //Бухоро ахбори. 48-сон. 1921 йил 1 сентябр.
209. Файзулла Хўжа. Олти муҳим масала //Бухоро ахбори. 87-сон. 1922 йил 17 июн.
218. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. 3 томлик. Т.1. -Т.: Фан, 1976. - Б.535.
219. Фитрат. Танланган асарлар. I-IVжилд. -Т.: Маънавият, 2000-2006.
220. Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон Юнусов). Матбуот-кучлик бир давлатдур //Бухоро ахбори. 41-сон. 1921 йил 30 июн.
221. Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон Юнусов). Ҳукумат қурултойи //Бухоро ахбори. 44-сон. 1921 йил 10 июл.
222. Чўлпон. Адабиёт: Халқ //Бухоро ахбори. 46-сон. 1921 йил 20 июл.
223. Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон Юнусов). Фельетон: Ҳукумат нашриётининг ҳоли //Бухоро ахбори. 51-сон. 1921 йил 5 октябр.
224. Чўлпон (“Қаландар”). Адабиёт: Юрт йўли //Бухоро ахбори. 58-сон. 1921 йил 8 декабр.
225. Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон Юнусов). Театр-томоша //Бухоро ахбори. 58-сон. 1921 йил 8 декабр.
226. Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон Юнусов). Адабиёт кечаси //Бухоро ахбори. 60-сон. 1921 йил 14 декабр.
227. Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон Юнусов). Сиёсий ҳангома: “Тизгин талаш” //Бухоро ахбори. 72-сон. 1922 йил 25 феврал.

228. Чўлпон. Адабиёт: “Ўликларга қарши” (Инқилобий ҳукумат томонидан шаҳар ичидаги қабрлар йўқотила бошлангани муносабати билан) //Бухоро ахбори. 167-сон. 1923 йил 7 май.
234. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар /Даврий тўплам. № 2. -Т.: Шарқ, 1999. -207 б.
235. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида /Илмий муҳаррир Жўраев М. -Т.: Шарқ, 2000.-688б.
236. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й). 10-синф ўқувчилари учун дарслик. /Масъул муҳаррир Алимова Д. -Т.: Шарқ, 2000. -416 б.
237. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари /Масъул муҳаррирлар: Алимова Д, Ртвеладзе Э. -Т.: Шарқ, 2001. -224 б.
238. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик) /Р.Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2003. -675 б.
239. Ўзбекистон тарихи солномаси /Тузувчи муаллифлар: Ражабов Қ., Ҳасанов Ф. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. -230 б.
243. Қосимов Ф. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. -Бухоро, 1997. -70б.
244. Қосимов Ф. Бухорода миллий демократик ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятлари /Марказий Осиё XX аср бошларида: ислохотлар, янгиланиш ва тараққиёт учун кураш. -Т. , 2001. -Б.115-118.
- 245.Қўшжонов М., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. -Т.: “Абу матбуот-консалт” МЧЖ, 2007. -385 б.
246. Ҳайитов Ш. Биринчи муҳаррир //Бухоронома. 2003 йил 10 сентябрь.
247. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). -Т.: Фан, 2004. -101б.

248. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. -Бухоро: Бухоро, 2005. -154 б.
249. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йиллар). -Т.: “Абу матбуот-консалт” МЧЖ, 2008. -207 б.
- Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Хориждаги матбуотчилик. БухДУ ахбортномаси. 2012.
249. Ҳолбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси. -Т.: Фан, 2008. -180 б.